БҮТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 18 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 295 (18.173). • 24 декабрь 1981 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

«Правда» газетасининг редакциясига

Туғилган кунимнинг етмиш беш йиллиги муносабати билан менинг номимга КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, «Правда»га, бошқа газета ва журналларнинг редакцияларига, телевидение ва радиога партия ва совет органларидан, жамоат ташкилотларидан, республикалардан, ўлкалар, областлардан, заводлардан, қурилиш ва транспорт корхоналаридан, совхозлар ва колхозлардан, муассасалардан ҳамда ўқув юртларидан, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалардан, ишчилар, колхозчилар, зиёлилардан, Ленин партияси ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари — қуролдош ўртоқлардан эзгу тилаклар изҳор этилган кўпдан-кўп табрикномалар ва қутловлар келди. Қадрдон социалистик мамлакатларнинг, коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарларидан, дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбобларидан ҳам табрик телеграммалари ва хатлар олинди.

Менга дўстона табрик ва қутлов сўзлари йўллаган ҳамма кишиларга «Правда» саҳифасидан астойдил миннатдорчилик ва сидқидилдан ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Юбилей куни мен ўз ҳаётимнинг мамлакат тақдири, аср ишлари билан чамбарчас боғлиқлигини яна бир бор ҳис этдим. Мен ўз номимга юборилган қутловларни менинг шахсий хизматларим эътирофи деб эмас, шу билан бирга КПССнинг бутун фаолиятини, унинг олижаноб программавий мақсадларини қўллаб-қувватлаш, Коммунистик партия билан совет халқи мустаҳкам бирлигининг ифодаси, партиямиз билан Совет давлатининг халқаро майдондаги изчил тинчликсевар йўли, ер юзидаги барча эрксевар, тараққийпарвар кучлар билан бирдамлигимиз ва ҳамкорлигимизни, ядро фалокати хавфини инсониятдан даф қилишга, планета узра осмон тинч бўлишини таъминлашга қаратилган тинимсиз куч-ғайратларимиз маъқулланганлиги ва қўллаб-қувватлаганлигининг ифодаси деб ҳам биламан.

Мен учун азиз бўлган меҳнаткашларнинг табрикномаларида, хатларида, телеграммаларида уларнинг порлоқ келажак ва социалистик Ватанимизнинг равнақи тўғрисидаги умидлари ва орзулари яққол ифодаланган, Уларда коммунизм қурилишида янгидан янги ғалабалар истаги билдирилган. Мана шу илҳомбахш фикрлар ва тилаклар умидворлик бағишлайди, партиямиз режаларини амалга оширишда ғайратга-ғайрат ва қатъиятга-қатъият қўшади.

Шу кунларда менинг шаънимга айтилган ҳамма гапларни чиндан ҳам давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони тимсоли бўлмиш бутун жонажон партиямизга нисбатан айтилган сўзлар деб ҳисоблайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

23 декабрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Президиум Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Конго Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1981 йил 13 май куни Москвада имзоланган шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Шартномани ратификация қилишга тақдим этган СССР ҳукуматининг топшириғига биноан СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев ахборот берди.

СССР Олий Совети палаталари ташқи ишлар комиссиялари номидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси Б. Н. Пономарев сўзга чиқди. Комиссиялар ўзларининг қўшма мажлисида СССР билан Конго Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани кўриб чиқдилар ҳамда СССР Олий Совети Президиумига уни ратификация қилишни тавсия этиш ҳақида қарор қабул қилдилар, деди у.

Шартномада иккала томоннинг халқаро майдонда тинчлик манфаатини ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш манфаатини, империализм ва реакция кучларига қарши ҳаракат қилиш мақсадларини кўзлаб мустаҳкам ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги мажбуриятлари муҳим ўрин олади. АҚШ империализмининг айби билан халқаро вазият кескинлашган ҳозирги пайтда шартноманинг бу қоидалари алоҳида актуаллик касб этади. Ер куррасидаги барча кишилар, қаерда — Европа ёки Америкада, Осиё ёки Африкада яшашларидан қатъи назар ҳозир уларнинг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, термоядро уруши хавфини тугатиш учун, қуролсизланиш учун курашдан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев ва СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. А. Новоселова сўзга чиқиб, шартномани маъқулладилар.

В. В. Кузнецов бўлиб ўтган фикрлашувни якунлаб, шартнома ленинча ташқи сиёсатнинг энг асосий принципларига, КПСС XXVI съезди саксонинчи йиллар учун қабул қилган Тинчлик программасининг мақсадларига ва вазифаларига тўлатўкис мос бўлиб тушади, деб айтди.

СССР Олий Совети Президиуми Совет Иттифоқи билан Конго Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани яқдиллик билан ратификация қилди.

Мажлисда СССР Олий Советида 1981 йилда ўтказиш учун белгиланган асосий тадбирлар планининг бажарилиш якунлари тўғрисидаги ҳамда 1982 йилги иш плани ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда В. В. Кузнецов берган ахборотда шу йил учун белгиланган асосий тадбирлар плани умуман бажарилганлиги уқтириб ўтилди.

СССР Олий Совети Президиуми 1981 йилги планнинг бажарилиш якунлари тўғрисидаги ахборотни инобатга олиб, СССР Олий Советида 1982 йилда ўтказиш учун белгиланган асосий тадбирлар планини маъқуллади. Бу план КПСС XXVI съездининг, партия Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг йўл-йўриқларини, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасида халқ депутатлари Советлари олдида турган энг муҳим вазифаларни эътиборга олиб ишлаб чиқилган.

КПСС XXVI съезди белгилаган социал программани амалга оширишда Қозоғистон ССР халқ депутатлари Советлари билан касаба союз ташкилотларининг бажамжиҳат ҳаракати тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Н. Имашев ахборот берди.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, ВЦСПС Раиси А. И. Шибаев давлат ишларини бошқаришга тобора кенг халқ оммасини жалб этиш соҳасида касаба союз ташкилотлари орттирган тажриба тўғрисида, касаба союзларининг халқ депутатлари Советлари билан бажамжиҳат ҳаракат қилиш истиқболлари ҳақида, мана шу бажамжиҳат ҳаракатнинг асосий йўналишлари тўғрисида гапириб берди.

Халқ органлари раҳбарлигида иқтисодий ва социал ривожланиш комплекс планларини ишлаб чиқиш, социалистик мусобақани авж олдириш, ишчилар, колхозчилар, хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, меҳнат, уй-жой, пенсия тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан контролликни кучайтириш соҳасида, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаша, маданий-оммавий ишни ўтказишда Советлар билан касаба союзларининг биргаликдаги фаолияти практикаси кенг оммалашганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Советларнинг социал программани амалга ошириш ишидаги мавжуд камчиликларга эътибор қаратилди.

Қозоғистон ССР Олий Советининг Президиумига иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини бажаришда, совет кишиларнинг фаровонлигини ошириш, меҳнат, турмуш ва маиший шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари Советларининг касаба союз ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш тадбирларини кўриш топширилди. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига, СССР Конституциясида касаба союз ташкилотларига бериб қўйилган кенг ваколатларни амалга оширишда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш таклиф этилди.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиумининг «Маҳаллий ресурслар ҳисобига кўплаб талаб қилинаётган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида Озарбайжон ССР ва Эстония ССР ўтказаётган иш тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Ўтган бир ярим йил ичида республикаларда маҳаллий хом ашёдан халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш кўпайганлиги, шу молларнинг турлари ортганлиги, уларнинг сифати бирмунча яхшиланганлиги мажлисда қайд этиб ўтилди. Бошқа кўпчилик иттифоқдош республикаларда ижобий силжишлар содир бўлди, республика министрликлари ҳамда идоралари ва маталлот кооперацияси корхоналарида маҳаллий хом ашёдан ва чиқиндилардан халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш юзасидан СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирлар бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Шу билан бирга кўплаб талаб қилинаётган моллар ишлаб чиқаришни ошириш учун маҳаллий ресурслардан фойдаланишда ҳали ҳам катта камчиликлар борлиги таъкидланди.

Қабул этилган қарорда СССР Олий Совети Президиуми Иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумларига, Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига, уларнинг ижроия комитетларига партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларига амал қилиб, кўплаб талаб қилинаётган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун маҳаллий хом ашё манбаларини ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш чиқиндиларини аниқлаш, ҳисобга олиш ва улардан имкони борича кўпроқ фойдаланиш учун қўшимча чораларни кўриш, белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ва мавжуд камчиликларнинг тугатилиши устидан доимий контролликни таъминлашни топширди.

Президиум СССР Олий Совети делегацияларининг Ҳиндистонга, Ироққа, Перуга ва Эквадорга қилган визитлари якунларини кўриб чиқиб, делегациялар қилган ишни маъқуллади.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзенинг ахбороти юзасидан СССР Давлат мукофотларини топшириш ишининг аҳволи тўғрисида қарор қабул қилинди.

Давлат ҳаётининг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. В. Гришин, Г. В. Романов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Т. Я. Киселев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, Президиум аъзолари, СССР бир қанча министрликлари ва идораларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Жиззах области саноат корхоналарининг коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш юзасидан беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари — 21 декабрь куни бажардилар. (ЎзТАГ).

Кузги шудгорлашни пухта ўтказган Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз механизаторлари техника ремонтини бошлаб юборишди. Улар декабрь ойи ичида колхоздаги мавжуд техника воситаларини сифатли ремонтдан чиқариш учун шу кунларда фидокорона меҳнат қилишмоқда. Суратда: механизаторлардан Камол Амиршоев билан Қудрат Абдуллаевлар.

А. Тўраев фотоси.



МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

22 декабрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида давлат мукофотлари топширилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Г. М. Орлов мукофотланганларга СССР орден ва медалларини топширди. Халқ хўжалиги илғорларидан, фан ва маданият арбобларидан катта бир группаси республика фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини олди.

* * *

Чирчиқ дарёсида Чорвоқ комплекси ирригация-энергетика гидроузелини лойиҳалаганлиги ва қурганлиги учун Ўзбекистон лойиҳалаш ва қурилиш ташкилоти ходимларидан катта бир гуруппаси СССР Министрлар Советининг 1981 йилги мукофотига сазовор бўлди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев 22 декабрь куни тантанали вазиятда уларга СССР Министрлар Совети мукофоти лауреати дипломлари ва кўкракка тақиладиган нишонларини топширди.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИ ЯШИЛ ЛИБОСГА БУРКАЙЛИК

Бу йилги қулай келган обҳаво шароитидан оқилона фойдаланаётган республикамиз меҳнаткашлари кўчат экишни қизғин давом эттирмоқдалар. Декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида 10 миллион тупга яқин мевали ва манзарали ҳамда бута кўчатлари ўтказилди. Кўкаламзорлаштириш ишлари республикамиз пойтахтида айниқса муваффақиятли олиб борилмоқда. Бу йил куз давомида Тошкентда 1 миллионга яқин турли кўчатлар ўтказилди, 22 та кичик қиёбон барпо этилиб, кўплаб кўчалар, боғлар, майдонлар, канал бўйлари ва турар жой массивлари кўкаламзорлаштирилди. Бу ерда асосан эман, чинор, қарағай, қора қарағай, шумтол, каштан, туйя, арча, ок қайин каби кўп йиллик нодир дарахт турлари экилаётир.

Аммо кўпгина шаҳарлар, поселкалар, колхозлар ва совхозларда кўчат ўтказиш қонунгача авж олдирилмаган. Баъзи жойларда эса бу ишлар асоссиз равишда тўхтатиб қўйилган. Қорақалпоғистон автоном республикасининг кўпчилик шаҳарлари, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш қониқарсиз аҳволда. Бу ерда янги боғлар ва токзорлар барпо этишга етарли эътибор берилмаётир. Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм областларининг Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ва «Главсредазирсовхозстрой»га карашли хўжаликларида бог ва узумзорлар барпо этишга киришилганича йўқ. Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм областларида тут кўчатлари ўтказиш кенг қулоч ёйдирилмаган.

Партия, совет, кишлоқ хўжалиги органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари кўчат ўтказишга эътиборни кучайтиришлари, шу соҳадаги белгиланган топшириқни бажаришга эришмокликлари ва бу ишларни сифатли бажаришлари лозим. Кўчат ўтказишни ноль градусдан паст температурада ҳам бажариш мумкин. Лекин бунда илдиз системаси музлаб қолишига йўл қўймаслик даркор. Куз ва қишда кўчат ўтказиш — ўсимликнинг тез амал олишини таъминлаш демакдир.

* * *

Ўзбекистон ССРда боғ, токзор барпо этиш, дарахт ва бута кўчатлари ўтказишнинг бориши тўғрисида шу йил 20 декабргача бўлган маълумот Топширикка нисбатан процент ҳисобида

Областлар	
ЖИЗЗАХ	**129,9**
ТОШКЕНТ	**116,9**
ТОШКЕНТ ШАҲРИ	**104,1**
Самарқанд	87,1
Хоразм	66,7
Бухоро	61,6
Сирдарё	59,6
ҚҚАССР	53,9
Андижон	53,6
Наманган	47,2
Фарғона	41,2
Қашқадарё	23,7
Сурхондарё	21,5
Республика бўйича:	67,4
Министрликлар ва идоралар	
Нефть маҳсулотлари давлат комитети	350,0
Ички ишлар министрлиги	136,3
Ҳунар-техника таълими давлат комитети	113,6
Узколхозстрой	111,8
Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси	111,1
Ўрмон хўжалиги министрлиги	104,9
Тошкент шаҳар ижроия комитети	103,9
Тайёрлов министрлиги	100,0
Спорт комитети	100,0
Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	94,2
Коммунал хўжалик министрлиги	93,6
Маориф министрлиги	93,3
Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги	89,5
ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими	89,1
Биноқорлик материаллари саноати министрлиги	85,6
Ўзбекбирлашув	80,2
Автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш министрлиги	78,6
Соғлиқни саклаш министрлиги	77,0
Қишлоқ хўжалиги министрлиги	74,5
Ўрта Осиё темир йўл бошкармаси	72,1
Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	69,8
Автомобиль транспорти министрлиги	65,2
Гўшт ва сут саноати министрлиги	65,1
Алоқа министрлиги	62,8
Пахта тозалаш саноати министрлиги	60,5
Қурилиш министрлиги	58,1
Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги	52,2
Госкомводстрой	52,2
Маҳаллий саноат министрлиги	51,0
Маданият министрлиги	48,8
«Госкомсельхозтехника»	48,5
«Ўзбекгидроэнергострой»	38,4
Социал таъминот министрлиги	37,1
Савдо министрлиги	35,1
Геология министрлиги	34,8
Ўзбекистон Қурилиш банки	33,3
Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги	23,4
«Главсредазирсовхозстрой»	21,4
«Госрибхоз»	21,0
Озиқ-овқат саноати министрлиги	20,9
Енгил саноат министрлиги	9,4
Қишлоқ қурилиши министрлиги	3,1

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ЖИЗЗАХ	—	103,5	
ФАРҒОНА	—	101,6	
НАМАНГАН	—	101,4	
СИРДАРЁ	—	100,5	
ТОШКЕНТ	—	100,0	
АНДИЖОН	—	100,0	
Бухоро	—	99,9	
Қашқадарё	3,5	99,5	
ҚҚАССР	—	98,1	
Сурхондарё	3,6	85,8	
Самарқанд	3,4	77,7	
Хоразм	2,5	70,2	
Республика бўйича:	1,1	96,3	

АТОҚЛИ ЁЗУВЧИГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон жамоатчилиги атоқли совет ёзувчиси ва жамоат арбоби Александр Фадеев туғилган кунининг 80 йиллигини кенг нишонламоқда. Адибнинг асарлари мамлакатимиз ва чет эллардаги миллионларча китобхонларга маълум. Улар А. Фадеевнинг асарларини севиб ўқийдилар. Республика кўп кутубхоналарида очилган китоб-сурат кўргазмалари адибнинг юбилейига бағишланган. Ўз ижодида совет кишиси образини, унинг Ватан бахт-саодати йўлида жанговар ва меҳнат зафарларини қўлга киритишга шай бўлиб турганлигини тасвирлаган ёзувчининг илҳомбахш сўзлари шу кунларда театр ва клубларда, студентларнинг аудиториялари ва мактабларда жаранглаб эшитилмоқда.

23 декабрь куни Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида А. А. Фадеев юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Тошкент олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва студентлари ёзувчининг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида доклад қилдилар, ўз рефератларини ўқиб бердилар. «Ёш гвардия» романининг саҳналаштирилган парчалари кўрсатилди, адибнинг бошқа асарларидан парчалар ўқиб берилди. (ЎзТАГ).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Нукусда Қорақалпоғистон АССР журналистларининг съезди бўлиб ўтди. Съезд қатнашчилари КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсиялари асосида автоном республика оммавий ахборот воситалари ходимларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққан кишилар меҳнат коллективлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун олиб бораётган курашнинг матбуотда, телевидение ва радиоэшиттиришларида ёритилишига катта эътибор бердилар.

Ўзбекистон журналистлар съезднга делегатлар, автоном республика Журналистлар союзи правлениесининг янги состави сайланди. Қорақалпоғистон АССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг раиси А. Корлибоев союз правлениесининг раиси қилиб сайланди.

Ўзбекистонинг ҳамма областларида республика журналистлар союзи область ташкилотларининг конференциялари бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

«ВЕРТИКАЛЬ-10»

ТАСС АХБОРОТИ

Тинчлик мақсадларида космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида социалистик мамлакатлар ҳамкорлиги программасига мувофиқ 1981 йил 21 декабрда Москва вакти билан соат 21 дан 35 минут ўтганда ўрта кенгликдаги СССРнинг Европа қисми территориясидан 1510 километр баландликка «Вертикаль-10» геофизик ракетаси учирилди.

«Вертикаль-10» геофизик ракетаси Ер атмосферасининг ва ионосферасини комплекс тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган.

Траекториянинг кўтарилувчи участкасида 170 километр баландликда ракетадан ажралган барқарор прибор контейнерига Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Румния Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси мутахассислари яратган илмий аппаратлар ўрнатилган.

ЭНЕРГЕТИКЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон энергетикаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Халқ хўжалигининг ана шу етакчи тармоғи ходимлари ўз профессионал байрамини салмоқли меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олдилар. Чуноончи, бу йил иссиқлик ва гидравлик станцияларида жами қуввати 590 минг киловатт келадиган янги электр генераторлари ишга туширилди. Бу — республикамизнинг 1955 йилдаги жами генераторлар қувватига тенгдир. Юзлаб километр узунликда янги юқори вольтли электр линиялари ўтказилди, саноатда, қишлоқ хўжалигида ва турмушда электр энергия истеъмол қилиш анча кўпайди.

22 декабрь куни Тошкентда Энергетиклар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шу фактлар келтирилди. Йиғилишда партия ва хўжалик ходимлари, мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар, энергетика ишчиларини қурувчилар — КПСС XXVI съездининг мамлакат энергетика базасини янада ривожлантиришга қаратилган қарорларини фидокорона меҳнатлари билан амалга ошираётган кишилар қатнашдилар. Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳ. Ҳамидов доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. ЭГАМБЕРДИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Мавлон Эгамбердиев Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

1981 йил 23 декабрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада фанни ривожлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар эксперименталбиологияси институти лабораториясининг мудири Набижон Назарович Назаровга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада иқтисод фанини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш совети фан-техника тараққиёти секторининг мудири ўртоқ Павел Васильевич Калякинга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада библиографияни ривожлантириш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси философия ва ҳуқуқ институтининг кичик илмий ходими ўртоқ Вилоят Файзуллаевна Хўжаевага **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми филология фанини ривожлантиришдаги, республикада илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан СССР Фанлар академияси рус тили институтининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори профессор Александр Николаевич Тихоновга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети кафедрасининг доценти ўртоқ Николай Григорьевич Цапенкога **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, жамоат ҳаётида актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитети бўлимининг мудири ўртоқ Шоди Носировга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ШИОРИ:

ЙИЛНИ ҚОЛОҚЛАРСИЗ ЯКУНЛАЙЛИК!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
МУСОБАҚА ЖИЛДИОЛАР ЖОДИ
1981 ЙИЛ • ДЕКАБРЬ • №-12 (93)

МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

МАРРАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Марралар... Уларни забт этмоқ учун баракали меҳнат қилиш, топшириладиган иш учун масъулиятни тўла ҳис этиш, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, резерваларни ҳаракатга келтириш, ресурсларнинг самарадорлиги йўлида дадил иш олиб бориш талаб этилади. Барча совет кишилари каби Ўзбекистон индустриясининг ишчи ва мутахассислари ҳам 1981 йилни зарбдор меҳнат билан якунлаш учун қизғин кураш олиб борётирлар. Улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Ўн биринчи беш йиллигимизнинг дастлабки йили якунланиш арафасида. Ўн бир масъулиятли маррани босиб ўтган ишчи коллективлари ўн иккинчи довонни — декабрь ойи топшириқларини ҳам муваффақиятли бажариш, йилни барча иқтисодий-техника кўрсаткичлари бўйича юксак натижалар билан якунлаш тадбирларини кўраётирлар. Кейинги ўн бир ойнинг ўзида саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 101,5 процент адо этилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6,1 процент ортди. Меҳнат унумдорлиги 3,2 процент кўтарилди.

Кўмир ва газ қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш, тракторлар, пахта териш машиналари ишлаб чиқаришда дадил қадамлар ташланди. Халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаб берадиган тармоқлар тобора ривожланиб бораяпти. Йилнинг ўн бир ойи ичида шойи газламалар, трикотаж буюмлари, мол ёғи, колбаса маҳсулотлари, серқаймоқ сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириқлари ортиғи билан адо этилди.

Биноқорлик ташкилотларининг ишида ҳам катта силжишга эришилганлигини мана бу рақамларнинг ўзи изоҳлаб беради: январь—ноябрь ойлари мобайнида қарийб 60 минг гектар янгидан суғориладиган ерлар ўзлаштирилди, 2205 минг квадрат метр уй-жой биноларида ҳовли тўйлари ўтказилди. Кўплаб мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача болалар муассасалари, даволаш муассасалари фойдаланишга топширилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида таъкидлаганидек, меҳнат коллективларидаги вазият, кайфият, демакки, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам коммунистларнинг қандай ишлашига боғлиқ. Ҳар бир коммунист ўз участкасида бутун куч, тажриба ва билимини резерваларни кидириб топишга, меҳнат самарадорлигини оширишга сарфлайдиган бўлиши керак, меҳнатдаги фидокорликнинг намунасини кўрсатиши лозим. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ва техника кўрсаткичларининг салмоғини оширишда коммунистлар етакчи роль ўйнашлари керак. Ҳозир барча партия ташкилотларининг диққат-эътибори биринчи навбатда бу йилги ва умуман беш йиллик планларни муваффақиятли бажаришга қаратилиши зарур. Бунинг учун ҳамма жойда коммунистлар социалистик мусобақанинг ахтив ташкилотчилари бўлишлари, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун, иқтисод ҳамда тежамкорлик учун, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик юритишнинг интенсив методларини жорий этиш учун курашга бошчилик қилишларини таъминлаш муҳимдир.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари хўжалик органлари билан биргаликда йилни юксак натижалар билан якунлаш учун мавжуд камчиликларни тугатиш чораларини кўришлари керак. Баъзи корхоналар, масалан, «Фергананефтеоргсинтез», «Ўзбекцемент» ишлаб чиқариш бирлашмалари ўтган ойлар планларини барбод бердилар. Ишга тушириладиган айрим объектларда қолоқликка йўл қўйилмоқда. Жиззах аккумулятор заводи қурилишида худди шундай аҳвол юз беряпти. Вазифа — барча куч ва имкониятларни сафарбар этиб, беш йиллиқнинг дастлабки йилини қолоқларсиз муваффақиятли якунлашдан иборат. Марралар масъулияти олга қараб боришни, йўл қўйилган камчиликларни пешма-пеш бартараф этишни, беш йиллик топшириқларини адо этиш учун зарбдор меҳнат мусобақасини авж олдиришни тақозо этади.

МУСОБАҚА ДАВОМИДА ИЛҒОРЛАР, ҒОЛИБЛАРГИНА ЭМАС, ҚОЛОҚЛАР ҲАМ АНИҚЛАНАДИ. ШУ ТАРИҚА МУСОБАҚА КУЧ-ҒАЙРАТНИ КАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ, УМУМИЙ ЮКСАЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН, ҚОЛОҚ УЧАСТКАЛАРНИ ИЛҒОРЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРИШ МАҚСАДИДА САРФЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Е. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинати коллективи съездлар йилини яхши кўрсаткичлар билан якунламоқда. Цехлараро мусобақада пронатчилар пешқадамлик қиляпти. СССР 60 йиллиги шарафига 60 зарбдор ҳафталик вахтасида меҳнат қилаётган коллектив 1982 йил ҳисобига иш бошлади. Суратда: цехнинг илғор ишчилари (чапдан) Фозил Мамажонов, Абдуҳаким Холматов ўртоқлар.

В. Сироткин фотоси.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

САНОАТ

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР ВАХТАДА

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини Зиёвуддин пахта тозалаш заводи коллективи муваффақиятли якунламоқда. Корхонада Пахтачи, Нарпай районлари далаларида етиштирилган қарийб 60 минг тоннаник «оқ олтин»ни қайта ишланади. Бу масъулиятли вазифа ҳар бир ишчи-хизматчидан, шубҳасиз, ўта тадбиркорликни, яхши моддий-техника базани талаб этади. Шунинг учун корхона пахта тозаловчилари сифатли ҳом ашё ишлаб чиқариш имконини берувчи барча асбоб-ускуналар ва зарур техника воситаларини унумли ишлатмоқдалар. Коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном учун курашаётган ҳар бир сменада 28—30 тоннагача сифатли толa тайёрлашга эришилмоқда. Натижада, корхонада ўн бир ойлик топшириқлар ошириб адо этилди. Бугунгача 13 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Жумладан, 7 минг тоннадан зиёд тола, салкам 800 тонна момиқ ва 10 тонна уруғлик чигит тайёрланди.

СССРнинг 60 йиллиги зарбдор вахтасига чиққан коллектив съездлар йилини муваффақиятли якунлашни, пландан ташқари қарийб 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ўз сафларида қолоқларининг бўлмаслигига эришишни мақсад қилиб олган. Ишчилар ўртасидаги ўзаро мусобақада Юсуф Йўлдошев, Дилшод Шомонов, Олим Тўқмуродов, Қувондиқ Йўлдошев, Шодиёр Турсунов сингари ўнлаб пахта тозаловчилар пешқадамлик қилмоқдалар.

М. ЭРОНОВ,
Самарқанд области.

ҚУРИЛИШ

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«Хорезмблолх о з с т р о й» трести қишлоқ қурувчилари йиллик қурилиш-монтаж ишларни планини адо этишди. Биноқорлар бугунгача 16421 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажариб, бунинг 8561 минг сўмлигини ўз кучлари билан амалга оширдилар. Область колхоз, совхозларида шу йилнинг ўзидаёқ юздан ортиқ ишлаб чиқариш объектлари, маданий хизмат комплекслари, уй-жой бинолари ишга туширилди. Улар орасида йиллик қуввати 3 миллион дона банка консерва заводи, 1264 ўринли мактаб, 730 нафар кичик интойга мўлжалланган боғча, 9087 квадрат метр уй-жой, чорвачилик ва паррандачилик комплекслари бор. Эришилган ютуқларда, айниқса, Хива, Хонқа, Янгиариқ колхозларарО қўчма механизациялашган колоннаси коллективларининг ҳиссаси катта бўлди.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига бошланган 60 зарбдор ҳафталикнинг ҳар бирини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга бел боғлаган қишлоқ қурувчиларри йил охиригача планга қўшимча 1500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга ва кўплаб ишлаб чиқариш ҳамда уй-жой биноларини муддатидан илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилганлар.

А. БОЛТАЕВ,
«Хорезмблолхозстр о й» трести бошқарувчиси ўринбосари.

ТРАНСПОРТ

ЮКСАК ФАОЛЛИК

Муқаддас Иттифоқимизнинг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ниятида 60 зарбдор ҳафталик ҳаракатида фаол иштирок этаётган Ленинск шаҳар автобус-таксомотор парки транспортчилари съездлар йили ўн бир ойлик планларига қўшимча 36 минг сўмлик иш бажардилар. Коллектив шаҳар меҳнат коллективлари ўртасида тежамкорлик бораси да ҳам байроқдорлик қилмоқда. «Орамизда бирорта ҳам қолоқ бўлмайди!» шиори остида меҳнат қилаётган ҳайдовчилар бугунгача 20 тонна бензин, 42 минг сўмлик эҳтиёт қисмлари тежаб қолишди.

Шунингдек, шаҳардаги 84-автокорхона коллективи эришган ютуқлар ҳам мактоққа молик. Ҳайдовчилар ўтган ойлар давомида йиллик пландан ташқари 20 минг тонна юк ташишларини белгиланган манзилларга етказиб бердилар.

М. ҲАКИМОВ,
Андижон области.

ТУЯМУЙИН ГИДРОУЗЕЛИ ҲОСИЛ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Туямўйин гидроузели қурилиши айни авжида бўлса-да, мелиораторлар ва ирригаторлар ҳозирнинг ўзидаёқ ундан фойдаланишга киришдилар: Тўғон туфайли тўпланган сув Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР ва Туркманистоннинг Тошовуз области далаларига оқизила бошланди. Бу суғдан ерларнинг шўрини ювишда фойдаланилмоқда.

Хоразм мелиораторлари суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини, гидротехника иншоотларини, насосларни қисқа вақт ичида тахт қилиб қўйдилар. Бу эса ички магистрал каналлар қулоғини муддатидан илгари очиш имконини берди. Область деҳқонлари ғўзапоядан тозаланган далалар шўрини ювиш ишларини кенг кўламда авж олдириб юбордилар.

Жами юз минг гектардан ортиқ майдондаги далаларга яхоб берилди. Илгари Хоразмда сув танқислиги сабабли ерларнинг шўрини ювиш учун анча муддат талаб қилинар эди. Ҳозирги пайтда бундай суғориш ишлари одатдагидан икки баравар тез бажарилмоқда. (ЎзТАГ).

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

ҚОҒОЗДА БОР-У, АМАЛДА ЙЎҚ

— Корхонада аҳвол қандай?

— Унча яхши эмас, — деди Қўқон қишлоқ пахта тозалаш заводи директори Рустам Қаҳҳоров хўрсиниб.

— Нега?

— Кўп тер тўксак ҳам ишимиз юришмаяпти. Завод бўйича ўн бир ойлик маҳсулот реализация қилиш плани бажарилмади. Ноябрь ойида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини аранг 63,3 процентга етказдик. Бир ойда мўлжалдагидан 1 миллион 300 минг сўмлик ҳом маҳсулот ишлаб чиқардик.

Декабрь ойи планининг адо этилиши ҳам чатоқ. Маҳсулот ишлаб чиқариш кундан-кунга камайиб бораяпти. Ойнинг биринчи ярмида завод 1377 тонна ўрнига 101,7 тонна тола, 18 тонна ўрнига 16,9 тонна момиқ чиқарди. Графикка кўра корхона ҳар куни 129 тоннадан маҳсулот тайёрлаши керак эди. Амалда эса 84,6 тоннадан ортмаяпти.

Топшириқларнинг бажарилмаётганига сабаб нима? Корхона раҳбарларининг айтишича, план юқори сортли пахтага мўлжаллаб тузилган. Бу йилги мавсумда завод 22 минг тонна ўрнига 14 минг тоннадан зиёд 1-, 34419 тонна 2-, 3- ва 4-сорт пахта қабул қилди. Ҳом ашё сифати паст бўлгани учун ундан кутилган миқдорда тола чиқмаяпти.

Бизнингча, планнинг уддаланмаётганлигига фақат шугина сабаб эмас. Чунки, заводдаги учта бригада уч хил ишлаяпти. Ражабали Ҳусанов бошлиқ 2-бригада 11 ойда 5807 тонна тола ишлаб чиқариб планни 104,3 процент бажарди. Бу, пландагига нисбатан 241 тонна кўп. Момиқ тайёрлаш планини 103,2 процент адо этди. Юсуфжон Ғаффоров бригадаси эса ўтган ойлар планини тола ишлаб чиқариш бўйича 101 процент, момиқ бўйича 99,4 процент ўринлатди. Расулжон Ражабов раҳбар бўлган 3-бригадада аҳвол бошқачароқ. У ўн бир ойлик тола ишлаб чиқариш планини бажармади. Декабрь ойнинг биринчи ярмида эса 459 тонна ўрнига 318,9 тонна тайёрлади. Бир кунда 43 тонна ўрнига 28,7 тоннадан тола ажратяпти.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: корхонада социалистик мусобақа яхши ташкил этилмаган. Мусобақа қоғозда бор-у амалда йўқ. Унинг ошкоралиги, таъсирчанлиги учун курашсезилмайди. Завод касаба союз комитетининг раиси Исроил Аҳмаджонов мусобақа қандай йўлга қўйилган, зарбдор ишчилар қандай рағбатлантирилмоқда, деган саволларга ишонарли жавоб айтолмади.

— Биз ҳар ойда мусобақага якун ясаб, илғор бригадага кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти бериб бораяпмиз, — мақтанди у.

Лекин мусобақа якунига доир корхона фаолияти чуқур таҳлил қилинган бирорта ҳужжатни кўрсатолмади. Унинг айтишича, 1981 йил 5 декабрда завод касаба союз комитетининг мажлиси бўлган. Мажлисда корхона қарамоғидаги уй-жойлар ва ёдқонадаги аҳвол, корхона цехларининг қишга тайёргарлиги, социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги масалалар кўрилган. Бироқ бу масалалар тўғрисида доклад ёки справка тайёрланмаган. Демак, бу соҳалар чуқур ўрганилмаган. Бир варақ қоғозга мажлис бўлгани ва кун тартиби расмият учун шунчаки ёзиб қўйилган. Ўша варақда англаб бўлмайдиган, мажлис протоколига ўхшамайдиган аллақандай ёзув бор. Қуйида ўша ёзувдан парча келтирамиз:

«Ашуров Янгивой — янги кўп бўляпти.

Йўлдошев Абдуллажон — мен Янгивойнинг гапини қувватлайман».

Ашуров ким, Йўлдошев ким — номаълум. Мажлисда илғорлар ва қолоқлар ҳақида, планнинг нега бажарилмаётгани ҳақида, мусобақа ҳақида бир оғиз ҳам гап айтилмаган. Айтилган бўлса расмийлаштирилмаган. Бунақа мажлисдан нима фойда?

Биз цехларда бўлиб ишчилар билан суҳбатлашдик.

— Мен 1964 йилдан буён шу заводдаман, — деди тола ажратувчи Ўктамжон Эгамбердиев. — Қаттиқ ишлаяпмиз. Лекин план бажарилмаяпти. Бизда мусобақа бор-йўқлигини билмайман.

— Мусобақадошим бошқа ишга ўтиб кетган. Янгисининг исм-фамилиясини билмайман, — деди 1-бригада ишчиси Мамадали Ашуралиев.

Завод ҳовлисида мусобақа қолиби бўлган бригада шарафига байроқ кўтарилди, деган сўзлар битилган темир тахтача бор. Лекин байроқ қайси бригада шарафига кўтарилгани номаълум. «Сифат экрани» тахтасси октябрь ойидан буён бўм-бўш чанг босиб ётибди. Унга ким қандай маҳсулот ишлаб чиқараётгани ёзилмаган. Бу масоллар корхона раҳбарларида топширилган иш учун масъулият ҳисси бўшашиб кетганлигини кўрсатади.

Мусобақага ижодий ёндашиш, ташкилотчилик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган жойда планлар бажарилиши мумкинмикин?

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Илғор тажриба—коллектив мулки

БОШ ОМИЛ

Участка пудрати—меҳнатни ташкил этишнинг янги усули

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида, жумладан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: «Ҳаёт ўртага ташлаётган вазифалар назарияни, иқтисод фанини ривожлантиришни, уни хўжалик практикаси эҳтиёжларига яқинлаштиришни, бутун жамиятимизнинг ижодий куч-қудратини сафарбар этишни талаб этади. Марказда ва жойларда, халқ хўжалигининг барча бўғинларида, барча қисмларида юзага келаётган проблемаларни чуқурроқ тушуниш, мавжуд имкониятларни яхшироқ аниқлаш ва улардан фойдаланиш лозим.

Гап ижрочилик, интизом билан дадил ташаббус ва тадбиркорлик узвий боғланиб кетадиган иш услубини яратиш тўғрисида бормоқда».

Мамлакат халқ хўжалигини бошқаришни ташкил этишнинг бу асосий йўналиши «Ўзоргтехстроймелиорация» трести фаолиятига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги сингари мураккаб, кўп тармоқли хўжалик организми бугунги кунда барча тармоқлар: ишлатишни, сув хўжалиги қурилишини, биноқорлик индустриясини, юкларни автомобилда ташишни дадиллик билан тез ва оқилона индустриал асосга кўчира олувчи техника сиёсатини амалга оширадиган марказни талаб қилади. Албатта, трестимиз коллективи қуйи қурилиш ташкилотларига қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишни, суғориш системаларини ишлатишни такомиллаштиришда методик ва амалий кўрсатиш юзасидан катта иш олиб бормоқда. Шулардан бири — бригада пудратидир.

1977 йил январида министрлик ҳузурида бригада пудратини жорий қилишга кўмаклашувчи кенгаш тузилди. Айни пайтда «Ўзоргтехстроймелиорация» трестида ҳам бригада пудратини жорий этувчи бўлим ташкил қилиниб, у барча ишларни мувофиқлаштирувчи методик марказ бўлиб қолди.

Албатта, ҳамма иш силлиқ боргани йўқ. Бригада пудратини қўллашнинг биринчи кунлариданоқ қийинчиликларга дуч келинди. Қурилиш трестлари ва бошқармаларида бу илғор усулга етарли эътибор берилмади. Жойларда объектларни ва бригадаларни инженерлик жиҳатдан тайёрловчи малакали мутахассис кадрлар етишмасди. Ушбу муаммо иш усулларини доимо такомиллаштириб боришни, янгича ишлашга ўтган инженер-техниклар, мастер ва бригадирлар малакасини оширишни талаб қиларди. Бунинг устига министрлик бўйича иш қўламининг тобора ошиши ҳамда меҳнат шароитлари бригада пудрати шаклини сифат жиҳатдан ўзгартириш ва уни такомиллаштириш масаласини олдинга сура бошлади. Бунга эришиш учун бутун-бутун қурилиш участкалари ёхуд йириклаштирилган комплекс бригадаларни пудрат усулида ишлашга ўтказиш лозимлигини тушуниб етдик. Участка пудрати деб аталмиш мазкур усулни бизнинг тармоғимизда қўллаш зарурати сув хўжалиги қурилишининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқдир. Иншоотларнинг жуда катта территорияларда, бир-биридан анча узоқда жойлашганлиги, объектларнинг кўп планлилиги, қурилиш бўлинмалари фаолиятининг хилма-хиллиги бригада пудратини қўллашда бир мунча қийинчиликлар туғдирди.

Участка пудратининг моҳияти шундан иборатки, бундай усулга 500 минг сўмликдан 1,5 миллион сўмликкача иш ҳажмига эга қурилиш участкаси ўтказилади. Унга бўйсунган бригадалар шарт-шароитларнинг ўзгаришига ҳамда иш фронтининг тайёргарлигига қараб, у ёки бу объектларда ишни давом эттираверадилар. Бунда шартнома аввалгидек битта объектни эмас, участканинг йиллик программасига киритилган барча объектларни қуриш юзасидан тузилади. Участкага тажрибали мастер ёки инженер раҳбарлик қилади.

Шартномада кўзда тутилганига мувофиқ, хўжалик ҳисобидаги бригадалар айрим ишларни бажарар эканлар, иш ҳақи олиш учун аккорд наряд-топшириққа эга бўлишлари керак. Ишни фойдаланишга топшириш муддатларини қисқартиргани учун эса участкадаги ҳамма ишларнинг қандай боришидан қатъи назар мукофот ола беради.

Участка кенгаши мукофотларни бригадалар ўртасида тежамкорликни кучайтиргани ва объектларни ишга туширгани учун тақсимлар экан, бунда ҳар бир бригаданинг умумий натижага қўшган конкрет ҳиссасини ҳисобга олади. Ставрополь ўлкаси ва Литва ССРнинг сув хўжалиги қурилиш объектларида синаб кўрилган участка усули республикамиз шароитига жуда мос бўлиб тушди.

Комплекс механизациялашган бригадалар ёки участкаларни хўжалик ҳисобига ўтказиш жараёнида бутун коллектив учун ягона наряд очилади. Ишларни ташкил қилиш ҳам тубдан ўзгаради. Масалан, Паркент магистрал каналини бунёд этишда механизациялашган қурилиш участкаларидан бири таркибига иккита ЭКГ-4 экскаватори, 15 та бульдозер, 4 та кам қувватли экскаватор ва 15 та кўп юк кўтарадиган БелАЗ автомобиллари киритилди. Қурилиш ишлари уч сменада, узлуксиз циклда, звено усулида ташкил қилинди. Қурилиш ишларининг аниқ мароми барча участкаларда, меҳнат юксак савияда ташкил этилганлиги ҳамда барча ишчиларнинг пировард натижалардан манфаатдорлиги туфайли таъминланди.

Илғорлар ибрати бошқалар учун мактабдир. Ҳозирги пайтда хўжалик ҳисобига ўтган бригадалар эмас, бутун бошли биноқорлик участкалари, шунингдек, саноат корхоналари ва автотранспорт ташкилотлари ўтказилаяпти. Чунончи, «Гиссаракгидрострой» бошқармаси бригадаларининг етмиш процента участка пудратида, «Сирдарьяводстрой» трестининг олтмиш процент бригадаси хўжалик ҳисобида ишламоқда.

Аммо бу соҳада ҳам ҳал этилиши лозим муаммолар борки, ундан кўз юмиш мумкин эмас. Шуларнинг энг асосийси — қуйи қурилиш бўлинмаларининг амалда бўлаётган сарф-харажатларни ҳисобга олишни ташкил этишдаги ишлари ёмон йўлга қўйилганидир. Натижада объектларнинг таннархини камайтиришга тўланадиган қўшимча мукофотлар даражаси пастлигича қолмоқда. Ишлаб чиқаришни инженерлик жиҳатдан тайёрлаш ҳам кўнгилдагидек бораётгани йўқ. Бригадаларни у объектдан олиб, бошқа объектларга ташлаш ҳолларига барҳам берилган эмас. Айниқ, бир маромда ишлашга ҳалақит бераётган бошқа сабаблар ҳам бор. Хуллас, бу ишларни ташкил қилиш ҳар бир коллективнинг биринчи даражали ишига айланмас экан, узил-кесил муваффақиятга эришиш тўғрисида гап юритиш амри маҳол.

Трестимиз коллективи ана шу муаммолари ҳал этиш тўғрисида ўйлаяпти ва конкрет чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Бизнинг фикримизча, шундай тадбирлардан бири — иш ҳажмининг борган сари ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб жойларда талаб қилинган группаларни ташкил қилишдир. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасидаги бошқа «Оргтехстрой» трестларининг тажрибаси шундай усулнинг анча самарадорлигини кўрсатмоқда. Бундай группалар конкрет объектларда бригада ва участка пудратларини жорий қилишга жавоб беришгина қолмай, ўзлари ҳам қурилиш жараёнининг боришига таъсир ўтказмоқдалар. Биз оператив раҳбарлик чуқурлаштирилган ҳолдагина иш самарадорлиги ошади, деб ҳисоблаймиз.

В. КОЗЛОВ,
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Ўзоргтехстроймелиорация» трестининг бўлим бошлиғи.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари, 22 декабрь куни адо этдилар.

Йил охиригача 30 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. (ЎзТАГ).

Фидокорлик намунаси

Комбинатимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари съездлар йилида 24 миллион 678 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мажбуриятини олганлар. Жумладан, 102 минг тонна омихта ем, 83 минг 850 тонна биринчи ва иккинчи сорт ун тайёрланади.

Корхона коллективи зимма-ларидаги ана шу юксак мажбуриятларини муддатидан илгари ошириб бажариш учун «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ҳаракатига актив қўшилган ҳолда фидокорлик намунасини кўрсатиб ишлаб, янгидан янги зафарларни қўлга киритмоқда.

Мавжуд 2 та цех ишчилари ўзаро мусобақалашиб ишлаб, муттасил ойлик ва квартал план топшириқларини ошириб ада этмоқдалар. Масалан, омихта ем цехи азаматлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили ўтган ойлари мобайнида 92 минг 600 тонна ёки пландан 2 минг 860 тонна кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Тегирмон цехи коллективи ҳам улардан қолишмаётир.

Комбинатдаги 8 та бригадага ўошган 326 нафар киши юқори унум билан баракали меҳнат қилаётир. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда беш йилликнинг иккинчи ва учинчи йили ҳисобига тер тўкмоқда.

Тегирмон цехидан Абдисамад Комилов, Фармон Шохмуродов ўртоқлар бошлиқ бригадалар аъзолари ҳар ҳафтада пландаги 40—45 тонна ўрнига 55—60 тоннадан сифатли ун ва омихта ем цехидан Халил Рустамов, Хўжаниёз Хўкаёров ўртоқлар бошлиқ бригадалар аъзолари эса ҳар ҳафтада пландаги 70—80 тонна ўрнига 90—100 тоннадан аралаш ем тайёрлаб, зарбдор ҳафталикнинг голиб коллективи деган шарафли номни қўлдан бермаётирлар.

Барча совет кишилари қатори корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг ноябрь Пленумидаги нутқида қўйилган озиқ-овқат программасини амалга ошириш-дек муҳим вазифаларни кундалик иш программалари сифатида қабул қилдилар. Биз ун маҳсулотлари тайёрлашни янада кўпайтириш учун ички резерв ва имкониятларимизни ишга солямиз. Айни пайтда омихта ем цехи қайта реконструкция қилиняпти. Бу иш ниҳоясига етгач, чорва моллар учун тўйимли озуқа-аралаш ем тайёрлаш 1,5 баробар кўпайиши кўзда тутилмоқда.

Шу кунларда меҳнатсевар ишчиларимиз йилни муваффақиятли якунлаш учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар.

Б. БОЗОРОВ,
Қаршидаги 10-ун комбинати директори.

АЛЕКСАНДР ФАДЕЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

НОЁБ ИСТЕЪДОД

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон жамоатчилиги, адабиёт мухлислари ҳам Александр Александрович Фадеевнинг қутлуғ 80 йиллигини кенг нишонламоқдалар. Бугун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида ёзувчи юбилейига бағишланган илмий конференция очилади. Эртага эса, Ўзбекистон Ёзувчилар союзида А. А. Фадеев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлади. Бир қатор институтларда, мактаб ва қутубхоналарда улуғ адиб юбилейи муносабати билан китобхонлар конференциялари, учрашувлар, ижодий кечалар ўтказилади.

Тил ва адабиёт институти илмий конференциясининг программаси қизиқарлидир. Унда кўрсатилишича, А. А. Фадеевнинг адабий ижтимоий фаолияти, «Удэгеларнинг сўнггиси» романида миллий характер проблемаси, ёзувчининг публицистик маҳорати. А. Фадеев адабиёт назариётчиси, «Ёш гвардия» романининг ўзбек тилига таржимаси каби докладлар тингланади. Конференцияда «Ёш гвардия» романининг тарихи билан боғлиқ, шунингдек, буюк адиб бошқа асарларининг ўзбек тилига таржимаси тўғрисида докладлар ҳам бўлади. Илмий конференцияда Александр Александрович Фадеев ва унинг асарларининг ўзбек адабиётига таъсири билан боғлиқ докладларга, чиқишларга кенг ўрин берилган.

УЛУҒ ИНСОН ИБРАТИ

Совет халқи ўзининг олижаноб, садоқатли фарзанди, собиқ партизан, социалистик тузум ҳимоячиси, Ленин ғояларининг толмас курашчиси, коммунист, совет ёзувчиси Александр Фадеев таваллудининг 80 йиллигини нишонламоқда. Александр Фадеевга ўхшаш тарихий сиймолар, тақдири халқ тақдири билан муштарак бўлган ватанпарварлар хизматини, жасоратини хотирлаб, қадрлаш совет халқига хос буюк хислатдир.

Александр Фадеев ўз классик ёзувчимиз, етук санъаткор, совет граждани. Гап шундаки, ҳамма учун, айниқса, китобхонлар учун номи табаррук бўлиб қолган Александр Фадеевнинг ўзи биз айтмоқчи бўлган гапларни ҳаёт пайтларидаёқ тўнда-лўнда қилиб айтиб қўйганлар. Ҳаёт ҳақиқатига айланиб кетган умри боқий асарларининг миллион-миллион китобхонлар томонидан севилиб, қаяжонланиб ўқилаётгани рад қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Шу ўринда таниқли ёзувчи Шараф Рашидович Рашидовнинг бир таърифини эслаб ўтиш ўринли бўлур, деб ўйлайман. «Семён Давидов ва Павел Корчагиннинг овозлари, ёш гвардиячиларнинг овозлари, Фёдор Гладков қаҳрамонларининг овозлари ҳозирги қиёмизнинг музикасига жўр овоз бўлмоқда».

А. Фадеевнинг китоблари авлоддан-авлодга қўлма-қўл бўлиб, коммунистик меҳнатга, жасоратга чорламоқда. Ватанпарварлик сабоғи, турмуш тарзимиз дарслиги вазифасини ўтамоқда.

Фадеев энди эсини таниган дастлабки давр янги ҳаёт бошланиши эди. Шу қадар мураккаб, чигал, мушкил-машаққатли ҳаёт-мамот даври эди. Ана шу давр доққозонида қайнаб пишган, шафқатсиз ҳаёт машаққатларини ўз бошидан кечирган, ўқ узиб, найза санчиб, душманини қулатган, ўзи душман ўқидан икки бор яраланиб ҳам, жанг қилишдан тоймаган, яхшилик билан ёмонликни, адолат билан адолатсизликни, ҳақ билан ноҳақликни, мардлик билан номардликни, виждонлилик билан виждонсизликни, имон-эътиқод, садоқат ва риёкорлик сингари инсонга хос яхши, ёмон фазилатларни ажрата билиб, бутун онгли ҳаётини халқ ишига, виждони амрига бўйсундира олган, халқ, давлат манфаатини ўз манфаатидан устун қўя билишга қурби етган, меҳнаткаш, жафокаш кишилар билан ҳамдам, ҳамнафас бўла олган кишигина эл эъзозига мушарраф бўла олади. Халқ назарига тушиб, ўзи ҳам назаркарда бўлиб қолган Александр Фадеев ана шу хил ҳазрати инсон тоифаларидан бири эди.

Инсон ўзи яшаб турган жамиятдан, муҳитдан ташқарида яшай олмайди. У муҳит ўпқон сингари тортаверади. Шунга ўхшаш синфий қарама-қаршилик авжига минган Узоқ Шарқда ҳам меҳнаткаш халқ ҳолдан тойган эди. Ярим оч, ярим яланғоч, серташвиш кун-тунлардан тинка-дармони қуриган, аксарияти саводсиз ҳамшаҳар, ҳамқишлоқлари қаторида Александр Фадеевлар ошаси ҳам ночор кун кечирар эди. Фадеевнинг отаси хўрланган ҳамқишлоқларини ҳимоя қилгани учун сургун қилинди. Сургун туфайли ошаси бошига тушган оғир кулфат ёш Александр қалбини ларзага келтирмаган дейсизми?

Ўтмиш ва ўтмишимизни яхши билмай, англамай туриб, келажакка, бахтиёр келажакка йўл топиш амри маҳол. Шу маънода тарихни, тарихимизни ўрганиш, совет адабиётининг классик арбобларидан бири Александр Фадеев сингари машҳур кишилар ҳаётини ўрганиш катта маърифий ва тарбиявий аҳаммиятга эгадир.

Фадеевлар бошлаган хайрли ишни кўп миллатли совет адабиёти намояндалари, замондошларимиз муносиб давом эттирмоқдалар. Бунга Ўзбекистон маданияти, адабиёти, санъати тараққиёти, гуллаб-яшнаётган ўлкамиз жамоли, аҳил-иттифоқ жамиятимиз бирлиги, ҳавас қилса арзигудек социалистик турмуш тарзимиз ёрқин мисол бўла олади.

Менинг ҳаётимда ҳам Александр Фадеев билан боғланиб иш қилган пайтлар бўлган. Бутииттифоқ коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитетининг адабиёт-санъат ташкилотларини қайта ташкил қилиш тўғрисида 1932 йил 23 апрель қарори билан Алексей Максимович Горький бошчилигида Совет Иттифоқи Ёзувчилар союзининг ташкилот комитети тузилди. Шу комитетда Александр Фадеев Горькийнинг ўнг қўли бўлиб ишлади. Худди шу хил ташкилот комитети миллий республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ташкил қилинди. Союз комитет раиси вазифасига муносиб Раҳмат Мажидийни, масъул секретарлик лавозимига каминани тавсия қилган эди. Шу пайтларда Москва билан боғлиқ ишларимиз кўпинча Александр Фадеев билан битарди. Улуғ Горький ташаббуси, Александр Фадеев иштироки билан Тошкентга муҳаккид олим Ермилов бошчилигида Мазнин, Виктор Гусев ва яна бир неча ёзувчилар бригадаси келишди. Ташкилий ишларимизга ёрдам кўрсатиш билан бир вақтда ўша пайтда ёзилган проза, поэзия, драматургия жанрларидаги асарлардан намуналар таржима қилиниб, янги ташкилотнинг биринчи маҳсулоти ўлароқ қаттагина бир тўплам тузилди. Бу тўпламга Ғафур Ғулом, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Шайхзода, Ҳ. Шамс, Ҳасан Пўлат, Умаржон Исмоилов сингари ёзувчилар асарлари, Зиё Саид билан ҳамкорликда ёзилган «Тарих тилга кирди» пьесамиз кирди. Тўплам Москвада нашр қилинди. Бу ВКП (б) Марказий Комитети қарорининг амалдаги биринчи қалдирғочи эди.

Ростгўйлик, ҳақиқатпарварлик, принципиаллик — инсон учун улуғ фазилатлар. Шу хил фазилатлар Александр Фадеевда мужассамлигининг гувоҳи бўлганман. Мариэтта Шагинянни ким билмайди дейсиз? Совет адабиётининг кекса намояндаси, барчамизнинг онахонимиз Мариэтта Шагинян юз йил билан ёзлашишга саноқли йиллар қолганига қарамай, тиниб-тинчиш нима — билмайди, ҳозиржавоб, ғоят фаол жамоат арбоби. Ленинномага бебаҳо ҳисса қўшган адиба, оташин публицист. Бу онахон ёзувчимизни кимга тенглаштириш мумкин. Менимча, кексалик ёшида қилаётган ишлари, бераётган бадиий маҳсулотини эътиборга олганда, бу мўътабар онахонимиз олдига тушадиган одам ҳозирча йўқ.

Улуғ Ватан урушидан сўнгги йилларнинг бирида Александр Фадеев раислигида Сталин мукофотига номзодлар муҳокама қилинаётган бир мажлисда тасодифан қатнашиб қолгандим. Қаранг, Шагинян номзоди муҳокамага қўйилиши билан бирин-кетин салбий фикрлар баён қилина бошлади. Адиба қўлидаги овоз эшитишга ёрдам қиладиган аппаратини нотиққа тутиб, гоҳ унинг оғзига қараб, гоҳ ўзганинг оғзига қараб кўзлари жовдирар эди. Масала адибанинг зарарига ҳал қилинадиган даражага етганда бирдан Александр Фадеев ўрнидан туриб деди: «Фикрларни эшитдик, менимча, объектив гап кам бўлди. Тўғрисини айта қолай. Мукофотга қўйилган китобни бу ўртоқлар ё ўқимаган, ё тушунмайди... Китоб-ку китоб, ҳатто, муаллифнинг ўзи шахсий фазилати, фақат Мариэтта Шагинянга хос ҳозиржавоб, ташаббускор сифатлари билан ҳам мукофотга муносиб номзоддир. 20-йиллардаги асарлари билан ҳам бу олий мукофотга лойиқ!» Ўша мажлисда Мариэтта Шагинян ҳолатини бир кўз олдингига келтириб кўринг... Шагинян ҳаяжон билан ўрнидан туриб, Фадеев томон йўл олар экан: — Саша, рухсат бер, пешонангдан ўпай, адабиётимиз бахтига бошинг тошдан бўлсин, сендан шуни кутган эдим. Зеро, ҳақиқатгўйликда бу йиғилишдаги ўртоқларнинг қайси бири сенинг олдингга туша олади. Ишонавер менинг гапимга, Саша, дея Фадеевнинг пешонасидан ўпиб, яна жойига бориб ўтирди.

Фадеевнинг ҳақиқатчилик фазилати шу кунларда ҳа ёшни қоралаб бораётган муҳтарама онахонимиз Шагинян ижодий камолоти учун нақадар ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги исбот талаб қилмаса керак. Афтидан, бу ҳақиқат бизнинг кунларда ўз кучини йўқотгани йўқ, қаламкашларимиз асарлари муҳокама қилинган кезларда Фадеевга хос принципал бўлмогимиз, партиявий позицияда туриб фикр юритмоғимиз, ундан ҳамиша ўрнак олишимиз керак.

Назир САФАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

ҚАЛБГА ТУШГАН УЧҚУН

Меҳрибонлик тоабад ёдда сақланади. Меҳрибонликни на узоқ йиллар ғала-ғовури ва на ташвишлар ғубори босиб кета олади!

Буюк адиб Александр Александрович Фадеев кўпларга меҳрибонлик кўрсатган мана шундай улкан қалб эгаси эди. У СССР Ёзувчилар союзи раиси бўлиб ишлаганида қанчалар қалам соҳибларига ғамхўрлик, устозлик қилган. Аждодга эҳтиром, авлодга меҳрибонлик қилиш кераклигини такрор-такрор айтган эди. У буюк интернационалист ҳамда миллий адабиётларга горькийёна ғамхўрликни ҳам шу киши сиймосида яққол кўрардик. Алишер Навоийни эшитдик, ўзимизга яхши таниттанлардан бири ҳам қадрдон Александр Фадеев. У Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Уйғун, Яшинлар билан аҳрамас дўст, улар ижодини Иттифоқ минбаридан эъзоллаган, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд шоирга амал қилган, ҳаққоний байналминалчи қалам соҳиби эди.

Қалбимга тушган бир меҳрибонлик учқуни бошқа ишларни йиғиштириб қўйиб, ҳозир буюк адиб ҳақида сўз айтишга ундади. Ҳа, Ойбек ака сабаб бўлиб, мен Фадеев билан таниш эдим. «Уста Гиёс» достонини Александр Фадеев ўқиб чиқиб, бу асар ҳақида ўзининг докладмақолаларида бир неча бор тилга олиб, яхши истаклар билдиргани эди. Москвада ў билан бир неча бор суҳбату мулоқатда бўлдим. Унинг ёзган дўстона хати ҳам ноёб эсдалик сифатида менда сақланади.

Қалбимга ғоятда яқин, чинакам инсон — Александр Фадеев ҳаммавақт қалбда яшайди. Унинг ўлмас асарларидаги машҳур қаҳрамонлар: Кошевой, Земнухов, Тюленин, Шевцовалар, инқилобчи Левинсон, Сергей Лазолар совет кишиси жасорат тимсоли, ибрат намунаси сифатида ёш авлодни тарбиялайди. Александр Фадеев ҳам шахсий ҳаётида ўз қаҳрамонларига ўхшарди. Унинг ўзи уч фронт — Сибирда гражданлар уруши, Улуғ Ватан уруши ва адабиёт фронтининг қаҳрамони эди.

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

ҲАМИША САФДА

Таниқли совет ёзувчиси К. Федин А. Фадеевни инқилоб қуйчиси деб таърифлаганди. Бу сўзларда ёзувчининг жанговар ҳаётига, асарлари янги жамият учун олиб борилган курашларининг бадиий солномаси экандигига ишора бор.

Ҳақиқатан ҳам, А. Фадеев ўзининг илк жиддий асари «Тошқин» (1922) повестидан тортиб, умрининг охирида ёза бошлаган «Металлургия» романигача янги жамият учун курашувчилар ва унинг фидойилари орзу-ўйларини, ижтимоий пафос тўла фаолиятларини маҳорат билан акс эттирди. Чуқур коммунистик партиявийлик билан йўғрилганлиги учун бу асарлар социалистик реализмнинг ажойиб намуналарига айланди.

А. Фадеевнинг ўзбек китобхонига кўндан таниш «Тор-мор» (1927), «Ёш гвардия» (1945) романлари ва олти қисмдан ташкил топиши мўлжалланган «Удэгеларнинг сўнггиси» (тўрт қисми босилган) эпопеяси, сценарий, ҳикоя ва очерклари ҳарбий-ватанпарварлик мавзуининг бадиий ҳайкаллари сифатида майдонга келди.

Адабий таъсир ва ёзувчиларнинг ўзаро ўрганишлари хусусида бир-бирларидан таълим олишлари, деб ёзади у «Адабиёт ҳақида мулоҳазалар» деган мақоласида, — бу —мактабда таълим олиш эмас, балки, баҳслашиш тарзида юз беради». Дарҳақиқат, унинг санъаткорлик намуналари, бутун ижоди ёзувчиларимизни баҳслашишга чорлаб турибди. Шу жиҳатдан унинг асарлари ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда, реалистик принципларни чуқур эгаллашда, ғоявий-бадиий баркамол намуна яратишда, давр олдидаги санъаткорлик бурчини идрок этишда ибрат ва маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Бунинг самарали изларини революционватанпарварлик темасини ёритишда, қаҳрамонона характерлар яратишда эришилган ютуқларимизда, образларни индивидуаллаштирувчи психологизм санъатидан кенг ва моҳирона фойдаланишда кўрамиз. Устоз адиб қаҳрамонларига хос ижтимоий руҳ, адолатпешалик, эрк, ҳақиқат ва эл-юрт бахти йўлида фидойилик сифатлари ўзбек адибларининг гражданлар уруши, Улуғ Ватан уруши мавзуларида ижод қилинган асарлари руҳида мавж уриб турибди. Бугина эмас, ҳатто драматург ва шоирларимиз ижодида, уларнинг ғоявий позициясидаги партиявий руҳнинг жаранги ва пафосида А. Фадеев асарларининг руҳи баралла сезилади. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, «Ёш гвардия» комсомол ташкилоти фаолияти тўғрисида очерк, роман, кинофильм майдонга чиққач, бу асарлар таъсирига берилмаган, унинг эмоционал кучига қойил қолмаган, краснодонлик ёш ватанпарварлар иродасига мафтун бўлмаган, уларга ўз муносабатини бирон йўсинда билдирмаган ўзбек санъаткори деярли қолмади.

Ҳалқимизнинг ёзувчига, унинг асарларига бўлган чуқур муҳаббатини кўрсатувчи туйғулар ифодасининг исботи учун иккита мисол келтириш билан қифояланамиз.

Устоз санъаткор Миртемирнинг «Олег ва ўртоқлари» (1943) балладасида салмоқдор ва вазмин поэтик қайфият ҳукмрон бўлиб, шоир ўқтамона салобат билан ёш гвардиячилар жасоратини, уларнинг қаҳрамонлик фожиасини бутун юрагидан отилиб чиқувчи ҳис-ҳаяжони орқали улуғлайди.

«Ёш гвардия» бадиий фильми иттифоқ экранларида худди «Чапаев» сингари муваффақият билан кўрсатилиб, кишилар қалбида фахр, армон ва фашист газандаларига ўтли газаб туйғуларини алангалатиб турган кезларда, Санда Зуннунова ўзининг «Йўқ, сиз ўлмагансиз!» шеърини эълон қилди. Шоира ўзининг юрак ҳисларини, гражданлик туйғусини ҳарорат ва самимият билан чизди.

Ойбек, Яшин, Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий сингари адибларимизнинг революция арафаси, инқилоб ва гражданлар уруши, Улуғ Ватан уруши ҳамда ундан кейинги воқеаларга бағишланган йирик асарлари руҳида, уларнинг бадиийлиги ва реалистик тасвирлаш усулларининг чуқурлашувида А. Фадеев асарларига хос шонли традициянинг баракали излари бор.

Ойбек тимсолида характерли фактларга дуч келамиз. «Ўзимга таниш ва дўст бўлган кўп улкан ёзувчилар, — дейди Ойбек, —менга чин инсон сифатида таъсир кўрсатганлар. Бу ишимда ҳам ана шу эзгу бўлиши эҳтимол... Мен Фадеев ва Луговский билан кўп йиллар дўстона муносабатда бўлганман...

... Мен Фадеев билан кўп йиллик таниш ва дўстгина эмас, балки, бирганликда ишладим ҳам. Қирқ еттинчи йили совет депутатлари составида Англияга бирга бордик. Қирқ еттинчи йилнинг ёзида мен ундан қаламда ёзилган хат олдим. Хатда у мендан Москвага келиб, секретариат ишида қатнашишимни илтимос қилганди. Сафар вақтида ва секретариатда қизғин иш билан бир ой мобайнида ҳар куни тез-тез кўриб турардим. Фадеев ниҳоятда ишчан одам бўлиб, улкан ва ўткир ақл эгаси эди, ҳар бир нарсага ақл билан ёндашар, одамларнинг гапларини диққат билан тинглар, содда муомала қилар ва теварак-атрофдагиларга самимий муносабатда бўларди».

Ойбек ёзувчи сифатида рус адабиётидан ҳаётни кенг қўламда, атрофлича қамраб олиш ва уни реалистик принципларда бадиий акс эттириш маданиятини ўз ижодий майдонларига мос равишда ўзлаштирди ва ривожлантирди. Бундай ижодий баҳри кенглик, эпиклик хусусида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини акс эттирувчи асарларида алоқида куч ва чуқурлик билан кўзга ташланади.

Масаланинг илдизига кўз ташлайдиган бўлсак, Ойбек «Қутлуғ қон» ва унинг давоми бўлган «Улуғ йўл» романини юзага чиқаришда рус адабиётидаги бошқа анъаналар қаторида А. Фадеевнинг «Удэгеларнинг сўнгиси» эпопеяси тажрибаларидан илҳомланган, деган фикрни баралла айтиш керак.

Ёзувчи ўзининг «Ўзбек халқининг нефтихори» (1945) мақоласида Навоий ва Лутфийдан бошлаб адабий-ижодий тарихимизнинг барча қабариқ нуқталарига билимдонлик билан кўз ташлаб ўтади. Октябрдан кейинги йиллардаги замонавий, илғор маданиятимизни ривожлантираётган янги миллий интеллигенциямиз ўзбек халқининг нефтихори эканлигидан тўлиб-тошади. Шайхзода, Уйғун ва Зулфия ва бошқаларни, санъатимизнинг кўпгина пешқадам вакиллари ҳамда халқ бахшилари номларини тўдқиниланиб тилга олади. У, Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасини VIII асрдаги араб босқинчилиги даври акс этган, ватанпарварлик руҳидаги кучли асар деб баҳолайди.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий Москвадаги учрашув ва суҳбатлар чоғида А. Фадеевнинг Шароф Рашидовга «туғишган оғадек, сенга маслаҳат бераман, зинҳор-базинҳор ҳеч қачон ижодни қўя кўрма... ажойиб талантинг бор, ёзишни сираям тарк этма. Сенга берадиган наказим шу — ёз!» деган сўзларини хотирлайди. («Шарқ юлдузи», 1981 йил, 9-сон, 228-229 бетлар). Биродарларча яқинлик, меҳр, устоз ва шогирдлик туйғулари жам бўлган бу сўзларда А. Фадеев билан ўзбек адабиёти ўртасидаги алоқалар келгусида ҳам тинимсиз давом этади, деган фикрга чуқур ишора бор.

А. Фадеев асарлари, ижодий ҳодисалар таҳлилига бағишланган назарий баҳс-ват мақолалари ўзбек тилига қанчалик кўп ва ҳўб таржима қилинса, адабиётимизни бойитишга хизмат қилувчи бундай муносабатлар миқёси шунчалик кенгая боради.

Б. ИМОМОВ,
филология фанлари доктори.

Чет эллларда

ЯДРО УРУШИ ХАВФИНИ ЙЎҚОТИШ КЕРАК

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Америкадаги Эн-Би-Си телекомпанияси саволларига берган жавоблари жаҳон матбуотининг диққат марказида турибди. Чет эл оммавий ахборот воситалари суҳбатни тўлиқ босиб чиқармоқдалар ёки унинг мазмунини батафсил баён қилмоқдалар.

Американинг АП информация агентлиги хабар беради: Совет президенти АҚШ билан Совет Иттифоқининг тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига риоя қилишлари Женева музокараларида муваффақиятга эришиш калитидир. Ядро урушининг чиқиш хавфи камайиши ёки кўпайиши мана шу музокараларнинг қандай натижа билан тугашига боғлиқ, деди Л. И. Брежнев. Совет Иттифоқи энг қудратли ва хатарли қуроллар бўлмиш стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги музокараларни тиклашга тайёрдир, деб таъкидлади у. Сўнъий тўсиқлар Совет Иттифоқи билан Америка ўртасида нормал, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга халақит беради, деб уқтириб ўтди Л. И. Брежнев. Совет раҳбари, деб қайд этади агентлик, Рейган маъмуриятининг вужудга келтираётган тўсиқларни назарда тутганлиги жуда аниқ-равшандир.

Американинг ЮПИ агентлиги хабар беради: Л. И. Брежнев Шарқ билан Ғарб муҳолифлик сари тойиб бораётганлиги хусусидаги хавотирликка қўшилмоқда. Аммо, Л. И. Брежневнинг фикрича, жиддий музокаралар ядро уруши хавфини йўқотишга ёрдам беради. Л. И. Брежнев айтдики, Европада ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги музокаралардан ташқари стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш вазифаси кун тартибида кўндаланг бўлиб турибди. Л. И. Брежнев қуролсизланиш соҳасидаги бошқа энг муҳим проблемаларни ҳал этишда силжиш ясаш кераклигини ҳам айтди.

Чехословакия газеталари Л. И. Брежнев жавобларининг тўла текстини «Тинчликни сақлаш — энг муҳим иш», «Совет Иттифоқи — тинч мулоқот тарафдори», «Планета тинчликка муҳтож» деган сарлавҳалар остида биринчи саҳифаларида босиб чиқардилар. Венгриянинг «Непсабадшаг» газетаси таъкидлаб ўтганидек, Совет Иттифоқи бемаъни қуролланиш пойгасидан воз кечишга чақирмоқда ва қуролсизланиш проблемасини давлатларнинг куч-ғайратлари сарфланиши лозим бўлган энг муҳим соҳа деб ҳисоблайди. СССР бошқа ҳар қандай мамлакатнинг куч-ғайратлари башарти снёсий иқлимни яхшилашга, ҳарбий қарама-қаршилик даражасини камайтиришга қаратилган бўлса, бундай куч-ғайратларга ижобий назар билан қарайди. Совет Иттифоқининг қўлини олиш учун виждонан узатилган ҳеч кимнинг қўли муаллақ қолмайди. (ТАСС).

ЮКСАК МУКОФОТЛАР

Вьетнамнинг барча газеталари ВСР Давлат Кенгашининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежневга Вьетнам Социалистик Республикаси Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги ва уни биринчи даража Хо Ши Мин ордени билан мукофотлаш ҳақидаги фармонини босиб чиқардилар.

ВКП Марказий Комитетининг органи «Нян Зан» газетаси бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: совет раҳбарига Вьетнам мукофотларининг берилиши КПСС ва Совет давлатининг раҳбари, Вьетнам коммунистлари ва халқининг катта ва самимий дўсти ўртоқ Л. И. Брежнев ҳар иккала қардош партиялар ва қардош халқлар ўртасидаги буюк дўстликни, жанговар бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга ғоят катта ҳисса қўшганлигига ВКП, Вьетнам давлати ва халқи юксак баҳо берганликларининг далилидир.

ХАНОЙ.

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

Варшавада ПХРдаги журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди. ПХР ҳукуматининг вакили ҳозирги вақтда мамлакатдаги вазият аста-секин барқарор бўлаётганлигини таъкидлади. Ҳарбий ҳолат — поляклларнинг ички ишидир ва бунга ташқаридан ҳеч ким аралашган эмас. Ҳукумат вакили айтдики, буржуа матбуотининг бу ҳолатга ташқи кучлар аралашмоқда деган даъволари ҳақиқатга тўғри келмайди ва туҳматдан иборат. Ҳукумат вакили яна қуйидагиларни таъкидлади: «Бирдамлик» ва бошқа касаба союзлари тарқатиб юборилган эмас, балки уларнинг фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Шундан кейин матбуот конференциясида таъкидлаб ўтилганидек, маъмурлар ҳарбий ҳолат чеклашларини бирмунча сусайтириш, шу жумладан, комендантлик соати муддатини қисқартириш ниятидадир. Ҳукумат вакили Ғарб матбуотида яккалаб қўйилган шахслар сони тўғрисида пайдо бўлган бўҳтонларни рад этиб, бундай деди: ҳозирги вақтда мамлакатда 5 мингга яқин киши яккалаб қўйилган, аммо янги йил байрами арафасида уларнинг бир қисмини озод қилиш кўзда тутилади.

Матбуот конференциясида Польшадаги аҳволни қасддан бузиб талқин этаётган ва қурбонларнинг сони тўғрисида нотўғри рақамларни тарқатаётган АҚШ давлат департаментининг уйдирмаларига қарши ҳарбий маъмурлар номидан норозилик билдирилди. ПХРдаги воқеаларни бундан буён холис ёритмасликка йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида журналистлар огоҳлантирилди. Бундай сохта пропагандага доир тегишли мисоллар келтириб ўтилди. Жумладан, Би-Би-Си радиостанцияси «Польша қўшинида ғалаёнлар» деб бошдан оёқ тўқиб чиқарган ахборотни тарқатганлиги кўрсатиб ўтилди.

Польша матбуотининг ҳабар беришича, Польша қўшинлари бўлинмаларида ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ёшлар таитанали вазиятда қасамёд қилганлар. Улар республиканинг социалистик ғалабаларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабларни муқаддас билиб, бажаришга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Ишчилар меҳнаткашларни забастовка қилишга гиж-гижлатган ирвоғарларни ушлаб олишда кўнгилни равишда ёрдам берганликларига доир кўп фактлар тўғрисида хабар берилди. «Бориня» шахтасида забастовка комитети таслим бўлди, стачка тўхатилди.

ПХР Министрлар Советининг иқтисодий комитети ўз мажлисида оилаларга бериладиган нафақаларни тартибга солиш юзасидан қўшимча талабларни белгилади. 1 январда болаларга бериладиган нафақалар кўпайтирилади. Чайковчилик ва чайқов бозорига қарши курашни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

«Бирдамлик»нинг Тарнув, Бохня ва Дембица шаҳарларидаги маҳаллий ташкилотлари бинолари тинтув ўтказилган пайтда социализмга, ҳукуматга қарши янги ҳужжатлар топилганлиги ҳабар қилинади. Ана шу ҳужжатларнинг бири шу йил 6 декабрда ёзилган. Бу ҳужжат касаба союз бирлашмасининг аъзоларини маъмурият вакилларидан ва маҳаллий партия ташкилотларининг раҳбарларидан дарҳол қасос ола бошлашга даъват этади. «Жолнеж вольности» газетаси контрреволюцион кучларни фош қилиб, Варшавадаги «Бирдамлик» раиси З. Буякнинг халққа, социализмга қарши қаратилган фаолиятини ҳужжатлар асосида характерлаб беради. Касаба союз бирлашмаси раҳбарларининг Америкадаги реакцион касаба союзлар билан алоқаларига доир янги маълумотлар «Трибуна люду» газетасида эълон қилинмоқда. Қуйидаги факт ҳам бундай алоқаларнинг характерини тасдиқлайди: Гданьскдаги Колодзей деган бир шахс чегарадан ўтишга уриниб ўнган пайтда қўлга олинди. У кейинги икки йил ичида Гданьск кемасозлик корхонасида ишлаган ва КОС-КОР раҳбарлари Куронь ва Гвязданинг топшириқларини, шу жумладан, жосуслик топшириқларини бажарган. Колодзей ҳарбий қисмлар ва штаблар, аэродромлар тўғрисида, бошқа мудофаа объектлари тўғрисида ахборот тўплаган. «Мустақил Польша конфедерацияси»нинг жосуслик фаолиятига доир фактлар ҳам келтирилади. Бу фактлар «Конфедерация»даги ҳоинлар ПХРдаги иқтисодий аҳвол ва унинг мудофаа қобилияти тўғрисида берган ҳабарлари учун Ғарбдаги махсус хизмат маҳкамаларидан кўп пул олиб турганлигини тасдиқлайди.

Польшанинг Вашингтондаги собиқ элчиси қочиб кетганлиги муносабати билан ПХР Ташқи ишлар министрлиги баёнот эълон қилди. Хоиннинг бундай сотқинлиги ва Америка телевиденияси орқали туҳмат гапларни айтганлиги муносабати билан «Жолнеж вольности» газетаси қуйидагиларни ёзади: Польшада ҳарбий ҳолат жорий этилганлигига жавобан АҚШда шундай машмаша ва бошқа бир қанча хуружлар нима учун уюштирилганлигини билиб олиш қийин эмас. Бундан кузатилган мақсад битта, у ҳам бўлса ПХРдаги воқеаларни Вашингтондаги ҳукмрон доираларнинг манфаатлари талаб этган томонга буриб юборишдан иборат. Ана шу доиралар АҚШда ва Ғарбий Европада одамларни кўпинча «қизиллар хавфи» билан чўчитаётганидек, Польшада ҳам шундай қилишга уринмоқдалар. Газета АҚШ маъмуриятини халқаро снёсий муҳитни заҳарлаш ва қуролланиш пойгасини янада кучайтириш учун Польшанинг ички ишларидан фойдаланишга уринмоқда, деб таъкидлайди. (ТАСС).

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

ОЧЛИК КАСАЛИ

Боготодан хабар берилишича, Колумбия болаларининг оғир машаққатли аҳволи уларнинг бевақт ва ёшлик чоғларидаёқ нобуд бўлишларига сабаб бўлмоқда. Мамлакатда чиқадиган «Сиглло» газетасининг таъкидлашича қараганда, мамлакатдаги 5 ёшгача бўлган 62 процент ёш болалар тўйиб овқат емасликлари натижасида бедаво дардга мубтало бўлган. Оқибатда бу ерда ҳар куни ўрта ҳисобда 200 бола очлик туфайли нобуд бўлмоқда. Лекин болаларни бевақт ўлишдан сақлаб қолиш учун мамлакатда энг оддий медицина ёрдами ҳам кўрсатилмайди.

БОЛАЛАР САВДОСИ

Яқинда Малайзияда ёш болаларни олиб сотиш билан шуғулланувчи яширин синдикатнинг фаолиятини текшириш ишлари бошланди. Федерал полиция бошқармасининг материалларига асосланиб Куала-Лумпурдан хабар берилишича, болаларни олиб-сотиш билан шуғулланувчи махсус гуруҳнинг штаб-квартираси Джохор штатида жойлашган экан. «Жонли моллар» чет эл буюртмачиларига ҳам, мамлакат ичкарисидаги харидорларга ҳам шу ердан мунтазам жўнатилиб турарди. Савдогарлар болалар учун қатъий баҳо белгилаб қўйишган. Масалан, ўғил бола учун 4 минг рингит тўланса, қиз бола учун 2 минг рингит берилади.

ЁШЛАРНИ ЧАЛҒИТИБ

Кеймнги пайтларда Японияннинг расмий маъмурлари мамлакатда милитаристик ҳаттиҳаракатни авж олдиришга тобора жон-жаҳдлари билан киришмоқдалар. Бу борада улар болалар ўртасида ҳам қанчадан-қанча «тадбирларни» амалга оширдилар. Кейнинги пайтларда улар машъум милитаристик пропагандани мактаб дарсларига ҳам киритишга уринмоқдалар. Чуночи, улар япон ҳарбийларининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги «жасоратларини» тасвирловчи махсус боблар киритишга қарор қилдилар. Бунинг устига улар Япония конституциясида қайд этилган тинчликни ёқловчи моддаларни бекор қилишгача ашаддий ўзбошимчалик йўлига ўтдилар.

Яқинда Токиода ана шу мудҳиш хатти-ҳаракатга қарши норозилик митинги бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари «Биз болаларимизнинг милитаристик тарбия билан заҳарлачишига йўл қўймаймиз», «Мактаб дарсликларининг ҳукумат томонидан қайта кўриб чиқилишига қатъиян қаршимиз!» деган шиорларни баланд овоз билан баралла айтдилар. Плакатлар кўтариб шаҳар кўчалари ва ҳукумат идоралари олдидан ўтдилар

ЁШ КАДРЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

Ишларни хасбга йўналтириш бўйича республика идоралараро кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг ёшларни хасбга йўналтириш, уларни ишга жойлаштириш бўйича ҳисоботи тингланди. Министр ўринбосари ўртоқ Х. С. Султонов ҳисоб берди.

Кенгашнинг ҳисобот бўйича қабул қилган қарорида министрлик ва унга қарашли корхоналарда муайян ишлар қилинганлиги таъкидланди. Тармоқда мураббийлик ҳаракати кенг ривожланяпти. Тўрт минг нафардан зиёд ёш ишчи тажрибали мураббийларга бириктириб қўйилган. Кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари мактабларга оталик қиляпти. Бу таълим даргоҳларининг ўқувчилари корхоналар билан яқин алоқада. Касблар ҳақида суҳбатлар, баҳслар ўтказиляпти. Биргаликда маданий-оммавий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга министрлик ва унга қарашли корхоналарда бу соҳада камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Министрлик ҳузуридаги касбга йўналтириш кенгаши ёшларни касбга йўналтириш, ишга ўрнаштириш ва кўникма ҳосил қилиш билан боғлиқ ишларнинг боришини чуқур ўрганмаяпти. Мазкур масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳамма вақт ҳам ўз ижрочиларига бориб етмаяпти. Корхоналарнинг ўндан биридагина касбга йўналтириш кенгашлари тузилган. Саккизта корхонада эса касбга йўналтириш кабинети бор. Кўпгина кенгашлар ва кабинетлар номигагина ишлаяпти. Ишлаётган ёшларнинг умумтаълим даражасини оширишга, уларнинг ишдан ва ўқишдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кам эътибор берилмоқда. Оммавий-спорт ишлари кўнгилдагидек эмас. Корхоналарда ёшларнинг меҳнатини, маиший ҳаётини ташкил этишдаги, тарбиявий ва касбга йўналтириш соҳасидаги бўндай ва бошқа камчиликлар кадрлар қўнимсизлигига олиб келмоқда. Прогуллар сони кўпайди. Иш вақтининг йўқотилишига барҳам берилган эмас.

Министрликка мавжуд нуқсонларни йўқотиш, касбга йўналтириш кенгашлари фаолиятини улар ҳақидаги муваққат Низомга мувофиқ ташкил этиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, ёшларни касбга йўналтириш бўйича Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳар идораларо кенгашларига корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ёшларни касбга йўналтириш, уларни ишга жойлаштириш масалаари иши устидан назоратни кучайтириш топширилди.

Кенгаш ишлаб чиқариш соҳасида ёшларни ишга жойлаштириш ва мослаштириш бўйича группаларнинг фаолияти ҳақидаги ахборотни ҳам тинглади.

1982 йил иш плани тасдиқланди.

АХБОРОТ

«ФАРҒОНА» ЗАРБДОР ВАХТАДА

Атлантика океанининг кучли тўлқинларига тўш уриб сузаётган йирик «Фарғона» кемаси экипажи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб хизмат қилаётир.

Яқинда «Фарғона» кемасида СССР Давлат байроғи ҳилпираб турганлигининг 10 йиллиги нишонланди. Тўққиз миллат вакиллари хизмат қилаётган улкан кемада ўзбекистонлик денгизчилар ҳам бор. «Фарғона» ўн йил мобайнида ер шарини олти марта айланиб чиқадиган масофага тенг йўл босиб ўтди. Кемада 400 минг центнер балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарилди ва у Болтиқ бўйи балиқчилари орасида социалистик мусобақа ғолиби деган шарафга муяссар бўлди.

«Фарғона» коллективи илғорликни қўлдан бермаётир. Балиқ овлаш ва балиқ музлатиш йиллик плани ортиғи билан бажарилди. Траулер капитани Борис Либеденко Клайпеда портига йўллаган телеграммасида: «Денгизчиларимиз йил охиригача яна 170 минг сўмлик озиқ-овқат ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар» деб хабар қилади. Кема бортида қуёшли Узбекистон, Фарғона шаҳри ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, фотосуратлар, совға буюмлари, кема меҳмонлари ҳақидаги материаллардан иборат стенд ташкил қилинган.

Фарғона шаҳри меҳнаткашлари билан «Фарғона» денгизчилари орасидаги масофа бир неча минг миль. Лекин, фарғоналиклар денгизчиларни ўз элдошларимиз деб биладилар.

В. НОРҒАЙЛА.

«ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР — ЖИГАРБАНДЛАРИМ МЕНИНГ»

Киевдаги санъат саройлари, клублар, олий ўқув юртларида ташкил қилинган киноҳаваскорлар клуби мунтазам ишлаб турибди. Бу клубларда кинематография тарихи, совет ва чет эл киносанъатига оид лекция ва суҳбатлар ўтказиладир.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бағишланган кечаларнинг бири «Қардош республика киностудияларида» деб аталди. «Арсенал» заводи клубида ўтказилган биринчи кеча қардош Ўзбекистон кинематографиясига бағишланди. Республика киношунослари Узбекистон кино тарихи, Бутуниттифоқ ва халқаро фестивалларда қўлга киритган совринлар, мукофотлар, киноартистлар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Шундан кейин «Узбекфильм» маҳсулоти бўлган «Ленинградликлар — жигарбандларим менинг» бадиий фильми намойиш қилинди.

Ю. ДОВГАЛЕНКО.

Шаҳар мавзуида

МУҲИМ ВАЗИФА

Куз-қиш даврида навбатдаги иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари область, шаҳар, район давлат ёнғин назорати хизмати ва органларининг барча бўғинлари уюшган ҳолда иш олиб боришларини талаб этади.

Совуқ тушиши билан болалар боғча ва яслилари, касалхоналар, мактабларнинг чиқиш йўллари беркитилиб қўйилади. Печлар тунда болалар ва беморлар ухлаётган пайтда ёқилади. Хизмат қилувчилар баъзан шам, керосинка ва бошқа уй-рўзғорда ишлатиладиган иситиш асбобларидан фойдаланадилар. Олдинги йилларда кузқиш ойларида бўлган ёнғинларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, айрим халқ хўжалик объектларининг раҳбарлари қиш даврида ёнғиннинг олдини олишни таъминловчи зарур профилактика тадбирларини амалга оширмаганлар. Бунинг натижасида баъзан кўнгилсиз воқеалар рўй берди. Ёнғиннинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш уй-жой фондига ва жамоат бинолари ҳамда иншоотларни кўз қорачиғидек сақлаш, бинолар ва иншоотлардан тўғри ва унумли фойдаланиш, шунингдек ёнғин хавфсизлиги чораларига қатъий риоя қилиниши муҳим социал-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу соҳада республика министрликлари ва идоралари, коммунал хўжалик системаси ва уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари томонидан кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари уй-жойларни сақлашни яхшилашга мунтазам эътибор бермоқдалар. Бу йил назорат органлари билан ҳамкорликда қишга тайёргарлик ишлари анча барвақт бошланди. Бу иш Тошкент, Наманган, Бухоро, Чирчиқ сингари шаҳарларда, Самарқанд ва Андижон областларида анча яхши ташкил этилган. Кўпгина Советларда қишга тайёргарлик масалалари уй-жой фонди ва халқ хўжалик объектларини ёнғиндан сақлашни таъминлаш масаласини бирвақтда қўшиб муҳокама қилиш қоидага айланиб қолган. Совет сессиялари, ижроком, доимий комиссиялар мажлислари давлат ёнғин назорати органлари вакиллари иштирокида ўтказилмоқда.

Текширишлар шуни кўрсатадики, идораларга тегишли уй-жойларда ёнғиндан сақланиш қоидаларига етарли амал қилинмаётир. Бу уй-жойлардан фойдаланиш ҳам қониқарсиз аҳволда қишга тайёргарлик ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Шу нарсани унутмаслик керакки, қишлоқларда ёнғиннинг олдини олиш учун тегишли шароит яратишга у ёки бу маҳаллий Совет органи жавобгардир. Маҳаллий ҳокимият органлари бўлган Советлар барча масалаларда давлат ва граждаплар манфаатларини ифодалайдилар. Тошкент, Наманган ва Чирчиқ шаҳар халқ депутатлари маҳаллий Советлари қишга тайёргарлик пайтида уй-жой, коммунал хўжалик соҳаси билан чекланиб қолмасдан, давлат ёнғин назорати ва бошқа назорат хизматларининг маҳаллий аппаратлари орқали қишки тайёргарлик ишларини текширмоқдалар.

Мана, қиш ҳам бошланди. Лекин халқ хўжалигининг айрим объектларида ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилмаган. Ана шу хўжаликларнинг раҳбарлари ёнғин хавфининг олдини олиш учун шошилинч чора-тадбирлар кўришлари лозим. Иситиш системалари, газ тармоқлари ва энергетика хўжаликларини амалдаги инструкция ва қоидаларга мувофиқ кўриздан ўтказиш, уларнинг мунтазам ва узлуксиз ишлаши учун тегишли шароит яратиш даркор.

Айниқса, мактаблар, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш, маданий-маиший муассасаларнинг қишга тайёргарлигини яна бир бор диққат билан кўздан кечирмоқ даркор. Бу айниқса, қишлоқ ва посёлка Советларига тегишли.

Корхоналар, уй-жойдан фойдаланиш идоралари, уй-жой бошқармалари бошлиқлари, маҳалла комитетлари ва бошқа кўнгилли жамиятлар коллективларда, аҳоли орасида кенг кўламда тарбиявий ишлар олиб боришлари, меҳнаткашларда умумхалқ бойлигига онгли муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялашлари, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш руҳида тарбиялашлари лозим.

Б. ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи.

УСТОЗ

Яқинда Қўқон шаҳрида янги чойхона очилди. Чойхонага «Устоз» деб ном берилди. Қўқонлик машҳур халқ устаси, республикада хизмат кўрсатган рассом, Ленин ордени кавалери Қодиржон Ҳайдаровга ҳурмат юзасидан чойхонага ана шундай ном берилди. Ҳамза номидаги Узбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Қодиржон Ҳайдаров умрининг кўп қисмини севимли касбига бағишлаб келяпти. Машҳур меъмор ва наққош ўймакорлик ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келяпти. Умрининг саксон учинчи йилига қадам қўяётган отахон ўлкамиз ҳуснига ҳусн қўшишга, ободончиликни ривожлантириш, халқимиз маданиятини ўстириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У ўймакорлик санъатини келгуси авлодларга ҳам ўргатишга ҳаракат қилмоқда. Унинг устахонаси доимо ёшлар билан гавжум. Рассомнинг устахонаси меъморлик ва наққошликнинг энг сўнгги тажрибалари асосида бутунлай янгидан қурилиб, шу ерда Қодиржон Ҳайдаров мактаби ташкил этилди. Истеъдодли ёшлар ҳозир устоз кўлида халқимизнинг қадимий ва навқирон санъатқорлик ҳунарини эгаллаяптилар. Унинг мактабида ёғочларга беқиёс чирой ато этиляпти, гўзаллик битиляпти.

Қўқонда бунёд этилган «Устоз» чойхонаси ҳам Қодиржон отанинг ўзи ва шогирдлари томонидан безатилди. Бу безаклар чойхонага келган ҳар бир кишида чуқур таассурот уйғотади. Чойхонада миллий безаклар, қадимий шаҳарнинг архитектураси билан ҳозирги замон меъморчилиги мужассамлашган. Отанинг шогирдлари чойхонани унинг шаънига «Устоз» деб атадилар. Чойхонада ўзбек миллий таомлари тайёрланяпти. Қўқонликлар, шаҳар меҳмонлари бу ердаги хизматчилар томонидан яхши кутиб олиняпти. Суратда: Қўқондаги янги «Устоз» чойхонаси.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

ШАХМАТ:

АЪЗАМОВНИНГ ИУЛЛАНМАСИ

Фрунзеда олий лига вакилларининг мамлакат чемпионати якунланди. Кучлилар сафида илк бор дона сурган тошкентлик Георгий Аъзамов мухлисларни қувонтирди. У одесалик В. Тукмаков билан кечиктирилган учрашув нихоясида ғалаба қозониб, вильнюслик В. Гаврикоз билан битимга келишди. Сўнгги тур учрашувини красноярсклик Л. Псахис билан ўтказган шахматчимиз ўз ҳисобига яна яримта очко қўшди. Шундай қилиб, Аъзамовнинг ҳисобидаги очколар 9 тага етиб, львовлик А. Белявский каби бир хил мавқени эгаллади. Улар 6—7 ўринларни олишди.

Л. Псахис билан Г. Каспаровлар 12,5 тадан очко билан чемпион номига сазовор бўлдилар. О. Романишин 10 очко билан учинчи ўринни эгаллади. Чемпионат низомига кўра кучлилар сафида биринчи марта ўзини кўрсатган Г. Аъзамов билан В. Гавриковлар жаҳон чемпионатининг зонал турнирига йўлланма олишди.

ЧЕМПИОННИНГ ҒАЛАБАСИ

⊙ **ХОККЕЙ.** Москвада «Известия» газетаси совғини учун ўтказилган халқаро турнир якунланди. Совет хоккейчилари учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, саккиз очко билан бош совғини қўлга киритишди. ЧССР хоккейчилари учта очко тўплаб иккинчи бўлдилар. Швеция командаси шунча очко билан учинчи, Финляндия ўйинчилари эса икки очко билан тўртинчи ўринларни эгаллашди.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Рафаил Рафғатович Сафаровни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети раиси вазифасидан озод қилди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА

Олтмиш ёшга тўлганлигим ҳамда Ватаннинг юксак мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлигим ва «Ўзбекистон ССР халқ шоири» фахрий унвонига сазовор бўлганлигим муносабати билан барча таблик йўллаган барча ўртоқларга, дўстларга ва ташкилотларга газетанинг орқали чин кўнгилдан ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Рамз БОБОЖОН.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 26 декабрда чиқади.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Комила. Бадиий фильм. 11.10 — Горичилар, қаердасиз! 11.40 — Ҳужжатли фильм. 11.55 — Концерт. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Бил ва уддала. 16.35 — Концерт. 17.05 — Телефильм. 17.35 — Шахмат мактаби. 18.05 — Олга, болакайлар! 18.35 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 Мультфильм. 19.35 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 19.40 — Жойида ҳал бўлади. Иккинчи кўрсатув. 20.25 — Комила. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Нима? Қаерда, Қачон?

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 ва 16.40 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.35 — Умумий биология. 11.05 — М. Горький. Тубанликда. 12.35 ва 13.35 — Ўқув кўрсатуви. 13.05 — Сиз яратган боғ. 14.05 — Илмий-оммабоп фильм. 14.15 — Ўқитувчи ва шогирдлари. 15.20 — А. Фадеев. Тор-мор. 16.05—Бадиий фильм. 19.30—Дўстларимиз чеҳраси. 20.20 — Концерт. 21.15 — Хайрли тун, ничкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 4-серия. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Баскетбол. Жальгирис — Динамо (М). 24.00 — Огир атлетика.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 ва 12.30—Жамиятшунослик. 12.00—Ўйлаб топ 13.00—Учрашув. Бадиий фильм. 18.05— Мультфильмлар. 18.30—Ёшлик. 19.00 — Тошкент трактор заводидан репортаж. 19.30 — Ахборот. 19.45 — А. Фадеев. Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Гирдоб. Видеофильм. 2-қисм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Назарий механика. 19.10 — Янгиликлар. 19.20 — Хоккей. 20.45 — Инглиз тили. 21.15 — Телефильм. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада концерти. 9.35 — «Анор» ансамблининг концерти. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадорлар рапорт бермоқдалар. 14.00 — Техника ремонтига аъло сифат. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Най наволари. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — М. Қўшмоқов. Фадеев ва ўзбек совет адабиёти. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — «Шодлик» ансамбли ижро этади. 23.15 — Дам олиш концерти.

СССР Ички ишлар министрлигининг

БАРНАУЛ, ВОЛОГДА ВА УФА МАХСУС ЎРТА МАКТАБЛАРИ

1982 йил учун

КУРСАНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБЛАР ЮРИДИК МАЪЛУМОТЛИ (Вологда махсус ўрта мактабида ўрта техник маълумотли) МУТАХАССИСЛАРНИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ТАЙЁРЛАНДИ.

МАКТАБЛАРГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЭРКАКЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ВОЛОГДА мактабида ўқиш муддати 2 йилу 6 ой, БАРНАУЛ ва УФА мактабларида эса 2 йил.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: ВОЛОГДА мактабида — иншо (миллий мактабларни тугатганлар учун диктант), **математика** (оғзаки); **БАРНАУЛ ва УФА мактабларида иншо, СССР тарихи.**

Мактабга қабул қилинганлар ҳарбий билим юртлари нормалари бўйича таъминотда бўладилар ва ҳар ойда 40 сўмдан стипендия оладилар.

Мактабни тугатганларга малакасига биноан диплом ва ички хизмат лейтенанти унвони берилади.

Мактабларга кириш ва ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича масалалар билан қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 618300, Пермь области, Кизел шаҳри, Юбилейная кўчаси, 6-уй.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

26—27 ДЕКАБРДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР 1981 ЙИЛГИ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ ОЛТИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ



Тиражда 349 мингта буюм ва пул ютуқлари, жумладан 35 та «Москвич», «Жигули», «Запорожец» автомашиналари, 60 та аравачали мотоцикллар, кўп миқдорда гиламлар, гилам пойандозлар ва қимматбаҳо буюмлар ҳамда йирик пул ютуқлари бор.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ! ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА ҚАТНАШИНГ!

СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Ўзбекистон республика бошқармаси.

СПОРТ

«... ФИЗКУЛЬТУРА ҲАРАКАТИНИНГ МОДДИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЮЗАСИДАН ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛСИН...»

(КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини яна да ошириш тўғрисида»ги қароридан).

Янги базалар

ИТТИФОҚДА ИККИНЧИ

✦ МУВАФФАҚИЯТЛИ СИНОВ
✦ МУТАХАССИСЛАР БАҲОСИ
✦ КАНАЛДАН ЭСГАН ШАМОЛ
✦ МУДДАТИДАН ОЛДИН

Самарқандда эшкак эшиш канали қурилишини айниқса, ёшлар кўпдан буён орзу қилишарди. Зеро, бу қутлуғ иш бошланганига икки йилдан ошди. Республикамиздагина эмас, балки Совет Иттифоқида энг йирик ва замонавий ҳисобланган бу улкан сув спорти иншоати учун Самарқанд райони территориясининг Зарафшон дарёсига яқин жойи танланган.

Самарқанд область партия комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети иншоот архитектура жиҳатидан гўзал ва бежирим, техник жиҳатдан мустаҳкам ва умрибоқий бўлиши учун барча чораларни кўрдилар. Лойиҳа авторлари — «Ўзгипросельстрой» илмий-лойиҳалаш институти билан Самарқанд институти мутахассислари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ажойиб самаралар берди. Шунингдек, Иттифоқимизнинг марказий шаҳарларидан келган таниқли архитекторлар, лойиҳаловчилару инженерлар ҳам самарқандлик ҳамкасбларига яқиндан ёрдамлашишди. Натижада, кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаси ва ижодкорлигининг маҳсули бўлиб объект қиёфасида ўзига хослик намоён бўлди.

А. СИЛАЕВ — СССР спорт комитетининг эшкак эшиш ва елканли спорт бошқармаси бошлиғи:

— Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлганман. Мексика, Мюнхен, Бельгияда бунёд этилган эшкак эшиш каналларини кўрганман. Сирасини айтсам Москва Олимпиадасига атаб қурилган ва спортчилару мутахассислар эътироф этган Крилатск каналига тенг келадиган иншоот ҳозирча йўқ. Зеро, Олимпиада канали биринчи бўлса. Самарқанд каналини Иттифоқдаги иккинчи ажойиб сув базаси деб, дадил айтиш жоиздир.

Канал қурилиши бутун чоралар билан теезлаштириб юборилди. Негаки, шу йилнинг кузида каналнинг биринчи навбати ишга туширилиши муносабати билан бу ерда эшкак эшиш бўйича СССР кубоги учун мусобақалар ўтказиш мўлжалланганди.

Сув спорти комплексида область партия комитетининг штаби тузилди. Область партия комитетининг секретари П. Абдураҳмонов раҳбарлигида штаб аъзоларининг йиғилишлари мунтазам ўтказиб турилди. Йиғилишларда объектдаги муаммолар чуқур муҳокама этилиб, камчиликларни ўз вақтида йўқотиш чоралари белгиланди, қурувчи-монтажчилар моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди.

Шу йил июль ойида комплекс қурилишини теезлаштириш бўйича бу ерда республика штабининг тузилганлиги, айниқса, муҳим роль ўйнади. «Узводспецмеханизация» трести бошқарувчиси Михаил Константинович Исаков штаб бошлиғи қилиб тайинланди. Бу тажрибали мутахассис ҳар бир камчиликни сезгирлик билан илғаб, объектни қурилиш материаллари, техника воситалари, турли темир-бетон конструкциялар билан таъминлашда катта куч сарфлади.

Бунёдкорларнинг астойдил ғайрат-шижоати туфайли беш йилга мўлжалланган катта иш икки йилга қолмай муваффақиятли адо этилди. Бунинг учун кўп миқдорда бетон ётқизилди. 1,5 миллион кубометр тупроқ қазиб чиқарилди.

Ҳа, эшкак эшиш каналининг ишга туширилиши Самарқандда чинакам байрамга айланди. Қадимий Регистон майдонида Бутуниттифоқ мусобақаси байроғи кўтарилди. Мамлакат, Европа ва жаҳон чемпионлари, тренерлари, меҳмонлар иншоотнинг улканлиги, чиройлилиги, ҳавзасининг кенглигига мафтун бўлишди.

Айни пайтда Самарқанд спорт даргалари Ленин орденли областда вужудга келган беқиёс имкониятдан кенг кўламда фойдаланиш, ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш, ҳақиқий чемпионларни вояга етказиш режаларини тузмоқдалар. Шу режаларга кўра келгусида эшкак эшиш каналининг иккинчи навбати қурилиши қизғин давом эттирилади. Келажакда комплекс 210 ўринли ресторанни, 500 ўринли меҳмонхона, соғломлаштириш маркази, бассейн, спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиш имкониятини берувчи майдончаларни ўз ичига олади.

Ўрни келганда,яна бир фактни таъкидлаш мароқлидир. Самарқанд шаҳри яқинида эшкакли қайиқлар тажриба заводи барпо қилинмоқда. Корхона кундан-кунга эҳтиёж ортаётган қайиқлардан дастлабки партиясини мухлисларга тортиқ қилди. Унинг истиқболи эътиборга молиқдир. Келажакда завод пластикадан юқори сифатли қайиқлар ишлаб чиқаради. Бу қайиқлар жаҳоннинг турли ерларида тайёрланаётган қайиқлардан кўркамлиги, нафислиги ва пишиқ-пухталиги жиҳатидан асло қолишмайди.

Сув спортини тараққий эттириш, мустаҳкам моддий-техника база яратиш соҳасида амалга оширилаётган бу тадбирлар келгусида спортнинг мазкур тури бўйича республика, Иттифоқ ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш, истеъдодли спортчиларни камол топтиришга имкон бериши шубҳасиз.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XII да Қўрқ (15.00), Абу Али ибн Сино (19.30), 25/XII да Қўрқ (15.00), Гурунг (19.30).

Тошкент давлат университети ректорати, партия комитети ва маҳаллий комитети математик анализ кафедрасининг катта ўқитувчиси

Муҳайё МУМИНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети коллективи телевидение режиссёри, республикада хизмат кўрсатган артист Эргаш Каримовга отаси

Умрзоқ КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телевиденнеси коллективи «Ёшлик» бош редакциясининг катта редактори Х. Абдурасуловга отаси

Абдурасул МАТЧОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси ва пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Қўқонда — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03381. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 295. 10